



**XAVFSIZLIKKA TAHDID HAR  
BIR FUQARONI SERGAK VA  
OGOHI BO'LIHGA CHORLAYDI**

3-sahifa ▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqib boshlagan ● 2022-yil 4-noyabr, №44 (3003)

YANGI O'ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

# VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz IJTIMOIY, HARBIIY-VATANPARVARLIK GAZETASI



**BILIM VA  
KO'NIKMA  
OSHIRILDI**

4-5-sahifa ▶▶



**VATANGA SADOQAT  
SHIJOATI**

6-sahifa ▶▶



**MALAKALI  
MUTAXASSISLAR  
YUZAGA CHIQDI**

8-sahifa ▶▶

@ vatanparvar-bt@umail.uz

t.me/mv\_vatanparvar\_uz  
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

14

ENG YAXSHI  
KITOBXON  
HARBIIY OILA

16

QORAQALPOG'ISTONLIK  
"SHUNQORLAR"  
BELLASHUVI

18

UCH YILLIK  
TANAFFUSDAN  
SO'NG

Tahririyat  
haqida  
ma'lumot



# Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакат аҳолисига сифатли ва кафолатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иссиқхона хўжаликлари ва музлаткичли омборхоналарнинг иқтисодий жиҳатдан самарали ишлаши учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, мазкур соҳада банд бўлган аҳоли даромадларини оширишни қўшимча рағбатлантириш мақсадида:

1. Иссиқхона хўжаликларида **маҳсулот етиштириш ва тайёр маҳсулотни ички ва ташқи бозорга йўналтиришнинг шундай янги механизми жорий этилсинки**, унга мувофиқ Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги:

иссиқхона хўжаликларида **уруғ, кўчат, минерал ўғит ва бошқа моддий ресурсларни етказиб-бериш ва етиштирилган маҳсулотни улардан харид қилиш** чораларини кўради;

республикада фаолият юритаётган тажрибали ва малакали агроном, **энтмолог, лаборатория мутахассисларини** иссиқхона хўжаликларида **шартнома асосида тавсия қилади**;

сертификатланган ва кафолатланган **уруғ ва кўчатларни етиштириш бўйича махсус кўчатхоналарни ташкил этишга кўмаклашади**;

иссиқхона хўжаликлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида кооперация фаолиятини йўлга қўйиш, **етиштирилган маҳсулотни саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилишга кўмаклашади**;

Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги билан биргаликда келишув асосида **ҳудудий инспекторларни бириктиради** ва **ўсимликлар химиясини ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатилишини** таъминлайди.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг қуйидаги **таклифлари маъқуллансин**:

а) халқаро молия институтлари, мақсадли жамғармалар ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан иссиқхона хўжаликлари ва музлаткичли омборхоналар учун ажратилган миллий ва хорижий валютадаги кредитларни қайтариш муддатларини умумий ҳисобда **14 йил этиб белгилаш ва имтиёзли даврини 3 йилдан 5 йилгача узайтириш** (муддати ўтган асосий ва фоиз қарздорликларини кредит даврига мутаносиб равишда узайтириш). Бунда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан **аввал тақдим қилинган кафиллик ва кредит фоизлари компенсациялари сақланиб қолади**.

Мазкур имтиёзлар Иссиқхона хўжаликлари молиявий аҳволини соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича **республика ишчи гуруҳининг ўрганиш натижаларига кўра шакллантирилган рўйхат асосида** тақдим этилади;

б) иссиқхона хўжаликларини айланма маблағ (уруғлик, кўчат, ўғит, кимёвий воситалар, иссиқхона материалларини сотиб олиш ва иситиш харажатлари учун) билан таъминлаш учун тижорат банклари томонидан **бир йил муддатга олти ойлик имтиёзли давр** билан кредит ажратиш. Бунда:

мазкур кредитлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 октябрдаги ПҚ-387-сон қарорида назарда тутилган тартибда ва шартларда **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига ажратилган бюджет ссудаси ҳисобидан молиялаштирилади**;

иссиқхона хўжаликларида экспортбоп маҳсулот етиштиришга талаб этиладиган айланма маблағлар учун **хорижий валютадаги банк кредитлари Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан йиллик 4 фоиз ставкада** (шундан банк маржаси **2 фоиз**) ажратилади. Бунда кредит таъминоти сифатида **«Ўзбек-инвест» суғурта компанияси суғурта полиси қабул қилинади ва суғурта мукофоти харажатларининг 75 фоизи Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади**;

ажратилган кредитларни қайтариш муддатлари иссиқхоналарда **ҳосилни йиғиб олиш ва сотиш муддатларига мослаштирилади** ҳамда кредитларни қайтариш графиклари шу асосида тасдиқланади;

в) иссиқхона хўжаликларида табиий газ бўйича тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун **пеня суммаси 2022 йил 1 октябрдан 2023 йил 1 апрелгача**, истисно тариқасида, **ҳисобланмайди**.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Марказий банк ва тижорат банклари билан биргаликда **15 кун** муддатда мазкур қарорнинг **2-бандида** назарда тутилган **миллий ва хорижий валютадаги кредитларнинг белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилишини** таъминласин.

4. **Шундай тартиб ўрнатилсинки**, унга кўра:

а) иссиқхона хўжаликлари учун тижорат банкларига кредит ва уларнинг фоизини қайтариш муддати **қатъий равишда маҳсулотнинг пишиб-етилиши даврига мослаштирилади**;

б) саноат типидagi замонавий иссиқхона ва логистика марказларини ташкил этиш учун **яхлит майдонлар ягона** (худудда) **«лот» билан очиқ аукцион савдоларига чиқарилади**. Бунда ажратиладиган майдонлар ҳажми худуд шароитидан келиб чиқиб,

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари томонидан белгиланади.

5. 2022–2023 йилларда иссиқхона хўжаликларини муҳандислик-коммуникация тармоқлари (ичимлик ва оқова сув, электр энергияси ва ирригация тармоқлари) билан таъминлаш бўйича **манзилли рўйхат 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** 2022–2023 йилларда республика бўйича фаолият кўрсатаётган ва янгидан ташкил этиладиган **иссиқхоналар учун электр узатиш линияларини қуриш, ирригация ва мелиорация тармоқларини тортиш дастурини** ҳамда ажратиладиган бюджет маблағлари параметрларини тасдиқласин. Бунда ажратиладиган маблағлар **кичик саноат зоналари учун назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида** кўриб чиқиладиган.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчихоналари билан биргаликда:

**бир ой муддатда хусусий сектор** иштирокида анъанавий йирик экспорт бозорлари худудиде мева-сабзавотларни сақлаш, саралаш ва қадоқлаш каби комплекс логистика имкониятларига эга бўлган **савдо мажмуаларини ташкил этиш** юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ташқи бозорларда **«олдиндан қутилмаган»** ва носоғлом рақобат оқибатида юзага келадиган молиявий йўқотишларни, аввало, экспортга юкланадиган маҳсулотлар бўйича хорижий ҳамкорлар билан тузиладиган **узоқ муддатли савдо шартномалари орқали олдини олиш чораларини кўрсин**;

**2022 йил якунига қадар Япония, Корея Республикаси, Европа** мамлакатларида **янги экспорт бозорларини очиш** юзасидан ҳукуматлараро келишувлар имзоланишини таъминласин.

7. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Энергетика вазирлиги **бир ой муддатда** худудлардаги иссиқлик электр станциялари ва марказларидан иссиқлик энергияси олиб фаолият юритадиган иссиқхоналарга энергия етказиб беришда **«сунъий» воситачилар пайдо бўлиши ва нархларнинг асоссиз ўсишининг олдини олиш** чораларини кўрсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотларни бозорларга етказишни кенгайтириш мақсадида **халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан** агрологистика лойи-

ҳаларини амалга оширишда **юк автомобилларини (совиткичли) харид қилишни молиялаштириш** чораларини кўрсин.

9. Иссиқхона хўжаликлари молиявий аҳволини соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича республика ишчи гуруҳининг таркиби (кейинги ўринларда – **Республика ишчи гуруҳи**) **2-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

**Республика ишчи гуруҳи (А. Воитов):**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари билан биргаликда худудлардаги **самарасиз иссиқхона хўжаликларини аниқлаб, эгалари билан келишган ҳолда уларнинг янги ташаббускорларга ўтказиб берилишини** (олди-сотди, кредит бўйича банк олдидаги мажбуриятларни сотиб олиш ёки бошқа келишилган шартларда) ташкил этсин;

**икки ой муддатда** ер участкасига бўлган эгалик ҳуқуқини расмийлаштиришда муаммоси бўлган иссиқхона хўжаликларини хатловдан ўтказиб, уларнинг ечими бўйича Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклиф киритсин;

иссиқхона хўжаликлари молиявий аҳволини соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича **доимий равишда таклифлар киритиб борсин**.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида иссиқхона хўжаликларида интенсив усулда маҳсулот етиштириш, уларни ички ва ташқи бозорларга йўналтириш бўйича ижобий тажрибаларни атрофлича ёритиб борсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида** Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов ва молия вазири Т.А. Ишметов белги-лансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, унинг ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ш.М. Ганиев ва Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 2 ноябрь

(ЎЗА)

# Davra suhbatı

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Ватан сарҳадларини химоя қилиш борасида чегара қўшинлари, мудофаа, божхона хизмати, ички ишлар органлари ва маҳаллалар ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари: тажриба, самаралар ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

# ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД ҲАР БИР ФУҚАРОНИ СЕРГАК ВА ОГОҲ БЎЛИШГА ЧОРЛАЙДИ

Унда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари доимий комиссиялари раислари, қўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Мудофаа, Ички ишлар, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси ва Ёшлар ишлари агентлигининг раҳбар ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, давлат чегарасига туташ ҳудудларда чегара қўшинлари, мудофаа, божхона хизмати, ички ишлар органлари ва маҳаллалар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва мутасадди идора вакиллари билан ҳамкорликда чегара мустақамлигини таъминлаш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Чегарадош ҳудудлардаги фуқаролар билан чегара қоидаларига амал қилиш ҳамда мазкур ҳудудлардаги шубҳали шахслар ва ҳолатлар юзасидан жойлардаги ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар бериш юзасидан доимий равишда профилактик учра-



шувлар, чўпон, овчи ва ўрмон хўжалиги ходимларини жалб қилган ҳолда тоғли ҳамда бориш қийин бўлган ҳудудларда разведка-қидирув тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Юртимиз ҳудудига турли жангари гуруҳлар кириб келишининг олдини олиш, мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий-сиёсий ва тезкор вазиятни узлуксиз назоратга олиш ишларини янада кучайтириш мақсадида Қуролли Кучлар куч тузил-

малари ҳамкорлигида барча чегарадош аҳоли масканларида «Чегара-тозалаш» тезкор-профилактик амалий машғулотлари ташкил қилинмоқда.

Кескин ижтимоий-сиёсий вазиятнинг мамлакатимизга таъсирининг олдини олиш, тезкор-криминоген ва ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини сақлаш, аҳоли тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлаш, турли кўринишдаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида «мобиль гуруҳлар» фаолияти йўлга қўйилган.

Шу каби таҳлиллар ва муҳокамалар якунида Ватан сарҳадларини химоя қилиш борасида мутасадди вазирлик ҳамда идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор масалаларга эътибор қаратилди. Юқорида қайд этилган вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қиладиган тавсиялар билдирилди.

**Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,**  
«Vatanparvar»

# Sana

Пойтахтимизда жойлашган Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмларидан бирида қисм ташкил этилган кун муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

# ЖАНГОВАР АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий хизматчилар иштирок этган тадбирда ҳарбий қисмнинг Ўзбекистон Қуролли Кучлари таркибидаги муҳим ўрни, тарихи, жанговар йўли, шахсий таркибнинг давлат мудофаа қобилиятига қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида сўз борди.

Қуролли Кучлар Бош штаб бошлиғи генерал-майор Шухрат Халмухамедов йиғилганларни ҳарбий қисмнинг 90 йиллиги билан қутлар экан, ҳарбий хизматчилар томонидан қўйилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилаётгани ва шу давргача эришилган ютуқлар барчага ўрнатилган бўлганини эътироф этди. Қайд этилганидек, ҳарбий қисм ҳозиргача уч марта «Энг илғор қўшилма» номига сазовор бўлган, ўнлаб ҳарбий хизматчилар намунали хизмати ва жанговар фаолиятдаги муваффақиятлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланган, уларнинг бир нечаси «Кембрия патрули» халқаро мусобақа-

сида, Ўзбекистон Қуролли Кучлари миқёсида ўтказилган «Энг илғор мутахассис» ва бошқа нуфузли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, ғолиб ҳамда совриндорлар сафидан жой олган.

Тантанали тадбирда мудофаа вазирининг ҳамда Қуролли Кучлар Бош штаб бошлиғининг буйруқлари билан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар муносиб тақдирланди. Маросимда Қуролли Кучлар фахрийлари ва бошқа меҳмонларга ҳам сўз берилди. Улар ўтган йиллар давомида эришилган ютуқларни, жанговар аънаналарни муносиб давом эттираётган ҳарбий қисм шахсий таркибига самимий тилакларини билдирдилар.



Ўз навбатида ҳарбий хизматчилар томонидан устозлар – Қуролли Кучлар фахрийларига байрам тўғралари топширилди. Юбилей санага бағишланган тадбир бир пиёла чой

устида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли қўшиқлари билан давом этди.

**Фурқат ЭРГАШЕВ**

## # Ko'rgazmali o'quv mashg'uloti

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан чўл ҳудудларида жанговар ҳаракатларни олиб бориш, қўшинларнинг нотаниш ҳудудларда жойлашуви ҳамда ҳар томонлама таъминотини ташкил этиш масалаларига қаратилган кўргазмали ўқув машғулоти ўтказилди.



# БИЛИМ



# ВА



Машғулот Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказида чўл шароитида жанговар ҳаракатларга тайёргарлик кўришининг ўзига хос томонларини тадқиқ этиш мақсадида ўтказилган илмий-амалий конференция билан бошланди. Унда муҳофаа вазирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари полковник Қодир Турсунов, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов, вазирлик ҳамда ҳарбий округларнинг масъул офицерлари, Қуролли Кучлар куч тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Чўлларнинг табиий-иқлим шароити одамнинг яшаши ва фаолияти учун унчалик қулай бўлмаган ҳудуд саналади. Аммо кўплаб замонавий урушлар бугунги кунда чўл ҳудудларида олиб борилаётгани сабаб қўшинларнинг саҳрода ҳаракат қилиши ва жанг олиб боришининг ўзига хосликларини тадқиқ этишни тақозо этади.

Дунё бўйлаб ҳар йили 12 миллион гектар, 1 дақиқада эса 23 гектар ер чўлланади. Айтилган вақтда Ер юзининг қарийб 75 фоизи чўлга айланган. Чўлланган сувли ҳудудларнинг 87 фоизи охириги 300 йил ичида шундай ҳолга келган. Тарихга назар соладиган бўлсак, чўлланишнинг 54 фоизи охириги 100 йилга тўғри келмоқда. Сўнгги ҳисоботларга қараганда, Ўзбекистон ҳудудининг 70 фоизидан кўпроқ қисми чўлдан иборат. Ўсимлик дунёсининг камлиги,

шамол ва тўғридан-тўғри куёш нурларини тўсувчи тўсиқларнинг йўқлиги, сув топиш имкониятининг мавжуд эмаслиги ҳам чўл шароитида жанговар ҳаракатларни олиб боришда қўшинларга қўшимча ноқулайликлар яратиши мумкин.

Илмий-амалий конференция ишида чўл шароитида муҳофаа жангини олиб боришда бўлинмаларни тайёрлашнинг ўзига хосликлари, шахсий таркибнинг психологик зўриқишларини ечиш, чўлда ҳаракатланиш ва жанг олиб бориш учун техникаларни тайёрлаш, моддий-техник таъминотни ташкил этиш, махсус қўшинларни қўллаш ҳамда алоқани ташкил этиш, артиллерия имкониятидан фойдаланиш ҳамда жанговар тайёргарликнинг бошқа масалалари хусусида мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Дунё бўйлаб чўл ҳудудларида ўтказилган жанговар операциялар ва уларнинг натижалари чуқур таҳлил этилиб, атрафлича муҳофаа қилинди. Чўл шароитида муҳофаа жангини ташкил этиш бўйича зарур таклиф ва тавсиялар берилди.

Кўргазмали машғулотнинг иккинчи қисми «Нукус» умумқўшин полигонида давом этди. У ерда ташкил этилган ўқув нуқталарида иштирокчилар чўл шароитида



# КУНИКМА ОШИРИЛДИ



табiiй ва сунъий воситалардан фойдаланган ҳолда муҳандислик талаблари асосида кенг майдонда жиҳозланган мотоўқчи батальонларининг жамланиш ҳудуди билан яқиндан танишишди. Шахсий таркиб ва техникаларни жойлаштириш, барча турдаги таъминот масалаларини йўлга қўйиш, ўқ-дори ва қуролларни сақлаш, ҳудудга мос равишда ниқобланишни ташкил этиш, озиқ-овқат захирасини яратиш, дала шароитида овқат тайёрлаш ҳамда нотаниш ҳудудда бемалол жойлашиб, фаолиятни давом эттириши мумкинлиги кўргазмалли тарзда намойиш этилди.

Нисбатан текис рельефга эга бўлган чўллар қўшинларнинг ҳар хил йўллардан ҳаракатланишига шароит яратиши билан ҳарбий операцияларни ўтказишда кенг миқёсда манёвр қилиш ва қайта гуруҳланишга имкон бера олади. Бошқа томондан қараганда эса чўл қумли пастбаландликлар ҳамда бўшашган қум ва тупроқ зарраларининг кўплиги сабаб ўтувчанлиги паст ҳудудлардан иборат бўлади. Бу эса, ўз навбатида, жанговар ва ҳарбий техникалар ҳаракатини чеклаб, ўтувчанликнинг пасайишига олиб келади.

Чўл ҳудудида барпо этилган вақтинчалик ҳарбий госпиталда ярадор ва жароҳатланганларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, замонавий тиббий жиҳоз ҳамда ускуналардан унумли фойдаланиш, дала шароитида жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти кўрсатилди. Иштирокчилар дала шароитида овқат тайёрлаш, нон пишириш заводининг имкониятлари, кийим-кечак устахонаси, омборхоналар жиҳозланиши, техник таъминотни ташкил этиш масалалари, шикаст етган техникаларни таъмирлаш ҳамда сафга қайтариш, бир вақтнинг ўзида дала шароитида 20 та техникага оммавий ёқилғи қуйиш ҳудудининг фаолияти билан таништирилди.

Чўлда мудофаа жангини ташкил этишда ҳудудга мос ниқобланишни ташкил этиш ҳамда жанговар техника ва шахсий таркиб учун хандақларни тош, ғишт, қум ва бошқа маҳаллий предметлар ёрдамида жиҳозлаш бўйича ўқув жойлари кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, мудофаа вазири ўринбосари раҳбарлигида Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган куч тузилмалари мансабдор шахслари билан хизмат йиғилиши ўтказилиб, ҳар бир йўналиш бўйича ҳудуддаги вазият тўғрисида ҳисоботлар эшитилди.

**Подполковник Тимур НАРЗИЕВ,  
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ  
матбуот хизмати бошлиғи**



## # О'quv-nazorat mashg'uloti

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА АЛОҚА  
ҲАРБИЙ ИНСТИТУТИ ОЛИЙ  
ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ  
ОРАСИДА ЕТАКЧИЛАРДАН БИРИ  
ҲИСОБЛАНАДИ. ИНСТИТУТДА  
ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН БЎЛҒУСИ  
ОФИЦЕРЛАР ОРАСИДАН  
СТРАТЕГИК ВА ТАКТИК БОШҚАРУВ  
ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА, ЗАМОНАВИЙ  
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ПУХТА  
БИЛИМГА ЭГА КОМАНДИРЛАР  
ЕТИШИБ ЧИҚАЁТГАНИ  
МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА  
САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА  
МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.



# ВАТАНГА САДОҚАТ ШИЖОАТИ



Мазкур таълим муассасасининг бошқалардан фарқи шундаки, курсантлар республикамизнинг етакчи университет ва институтларининг 3-курсини тугатган талабалар орасидан танлов асосида танлаб олинади. Алоқачи, IT-технологиялари бўйича ҳарбий офицер бўлишни орзу қилган йигитлар ушбу даргоҳда ўқишни давом эттиради. Институтда бўлғуси офицерларнинг ҳарб илмини мукамал эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратиб берилган.

2022 йил курсантлар сафига қабул қилинганлар қисқа вақт давомида шарафли касбнинг сир-асрорларини ўрганишга астойдил киришган. Ҳозирда улар «Чирчик» дала-ўқув майдонида амалий машғулотларда

иштирок этмоқда. Турли ўқув нуқталарида жанговар қуроллардан отиш, тактик машқлар, ахлоқий-руҳий синовлар йўлагидан ўтиш, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш, дала шароитида алоқа воситаларидан фойдаланиш каби йўналишларда билим ва кўникмаларини оширмоқда. Эрталабки бадантарбия машқлари ва кечки маданий ҳордиқ дастурлари эса, ушбу машғулотларнинг самарали бўлишини таъминламоқда.

Машғулотлар давомида ҳар бир ўқув нуқтасида раҳбарлик қилган устозларнинг ўз услуби борлигини кузатдик. Кимдир қаттиққўллиги, яна кимдир босиқлиги ёки талабчанлиги, қатъиятлилиги билан ажралиб турди. Энг муҳими, ушбу хислатлар ўз

шогирдлари тажрибасида мукаммаллашиб, миллий армиямиз келажаги ҳисобланган бўлғуси офицерлар шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Подполковниклар Алишер Худоёров, Ҳайдар Қосимов, Мансур Тоштемиров каби устозларининг айнан шу жиҳатларини ўзларида мужассамлаштирган курсантлардан бошқарув қобилиятига эга командирлар етишиб чиқиши йиллар давомидаги ҳаётини тажрибаларда кузатилган ва кузатилиб келинмоқда.

– Кузги ёғингарчилик шароитига қарамай курсантлар ҳар бир топшириқни иштиёқ, шижоат, Ватанга бўлган садоқат туйғулари билан бажараётгани эътиборга молик. Улар эрта тонгдан то кечгача машғулот-

ларда ўзларига керакли амалий билимларни мустаҳкамлаб боришяпти. Бунёдбек Шавкатжонов, Орифхўжа Хўжаев, Нозим Собиталиев, Олимжон Олимов бошқаларга намуна бўлиш билан бирга, дўстларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани курсантлар батальонининг ютуқларини таъминламоқда. Шундай иштиёқ, шижоати ҳамда Ватанга бўлган садоқати баланд бўлган ҳар бир йигит ўз олдига қўйган мақсадига, албатта, эришади, – дейди батальон командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари майор Шерқўзи Ҳакимов.

**Асрор РЎЗИБОЕВ,**  
«Vatanparvar»



# Musobaqa

# ҲАРБИЙЛАР ВА

# ОВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси ҳамда ҳарбийлар иштирокида экстремал шароитларда яшовчанлик бўйича ўқув-услубий йиғин ва мусобақа ташкил этилди.



Термиз тумани ҳудудида жойлашган «Учкўл» соҳилида ўтказилган беллашувда 70 нафарга яқин овчи ва ҳарбий хизматчи иштирок этди. Дастлаб, соҳилда дала чодирлари тикланди ҳамда ҳарбий аслаҳалар ва ов учун мўлжалланган қурооллар кўргазмаси ташкил этилди. Унда ҳар бир қуроолнинг ўзига хос жиҳатлари ва унинг хусусиятлари ўрганилди.

Машғулотлар давомида иштирокчилар турли хил ҳайвонларни овлаш учун қопқонлар қўйиш ва улардан фойдаланиш, экстремал шароитларда олов ёқиш, шахсий таркиб жойлашуви ҳамда ниқобланиш, сув, овқат топиш (қўлга киритилган ўлжадан овқат тайёрлаш), сақлаш, филтрлаш, балиқ ва сув жонзотларини овлаш, ТОС-8 спорт қуролидан отиш,

силлиқ стволли қуроолдан стенд отиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ёввойи ҳайвонларни овозини ўхшатиш ва изини аниқлаш йўналишлари бўйича беллашди.

Иштирокчилар соҳилдан егулик излаш билан мусобақанинг дастлабки шартини бошлади. Ҳарбийлар ва овчилар жамоаларга бўлинган ҳолда, овчи итлар ёрдамида из олиш, қидириб топиш, қайиқлар ёрдамида балиқ овлаш каби машғулотларда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ҳар бир жамоа аъзоси кун давомида бир-биридан қизиқарли шартлар бўйича куч синашди. Мурасасиз баҳслар натижасига кўра, ғолиблик икки жамоага насиб этди. Шартларни бажариш жараёнида бир хил кўрсаткичга эришган Ангор тумани

овчилари ва ҳарбий хизматчилардан иборат жамоалар фахрли биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринга Термиз ва Шеробод тумани овчилар жамоалари лойиқ деб топилди.

Беллашув якунида ҳарбий хизматчилар ва овчилар томонидан егулик учун овланган ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар сарҳисоб қилинди. Унга кўра, маҳоратли овчилар ҳамда балиқчилар аниқланди. Энг илғор овчи ва ҳарбий хизматчиларга, фаол иштирок этган ёшларга кўмондонлик томонидан диплом ва совғалар топширилди.

– Ҳарбийлар ва овчилар ўртасида мазкур ўқув-услубий йиғин Сурхондарё вилоятида илк маротаба ўтказилди, – дейди полковник Пўлатжон

Сативалдиев. – Мерганлик, жисмоний чиниққанлик ва экстремал шароитларда яшовчанлик каби жиҳатлар бу икки касбни бир-бирига яқинлаштиради. Мусобақа давомида олов ёқиш, парранда ва балиқ овлаш, улар гўшtidан ҳар хил таомлар тайёрлаш каби амаллар бажарилди. Тажриба ва натижалар гулхан атрофида муҳокама қилинди. Шунингдек, иштирокчиларнинг қуш ва ҳайвонлар овозини ўхшатиш, уларни ўзига жалб қилган ҳолда ов қилиш маҳоратлари намойиш этилди. Энг асосийси, тажриба алмашилди, кўникма оширилди.

**III даражали сержант  
Акбар АҲМЕДОВ**  
Термиз гарнизони

## # "Eng ilg'or hamshira – 2022"

МАНА НЕЧА ЙИЛДИРКИ,  
МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
МИҚЁСИДА «ЭНГ  
ИЛҒОР ҲАМШИРА»  
КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ  
ЎТКАЗИЛИШИ АНЪАНА  
ТУСИГА КИРГАН.  
ҲАМШИРАЛАРНИНГ  
ИҚТИДОРНИ ЮЗАГА  
ЧИҚАРУВЧИ, МАҲОРАТИНИ  
САЙҚАЛЛОВЧИ, ШУ БИЛАН  
БИРГА, УЛАРНИНГ ЎЗARO  
ТАЖРИБА АЛМАШИШЛАРИ  
УЧУН КАТТА ИМКОНИАТ  
ЯРАТУВЧИ МАЗКУР  
КЎРИК-ТАНЛОВ ШУ  
КУНГА ҚАДАР КЎПЛАБ  
МАЛАКАЛИ ВА ИҚТИДОРЛИ  
МУТАХАССИСЛАРНИ  
КАШФ ЭТГЕНИ БИЛАН  
АҲАМИЯТЛИ.



Қарши шаҳридаги Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилояти драма театри биносида ўтказилган «Энг илғор ҳамшира – 2022» танловининг жорий йилги якуний босқичи ҳам қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Энг асосийси, унда ғолибликка муносиблар ғалабани қўлга киритишди. Танловни тиббиёт соҳасида кўп йиллик тажрибага эга малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

## МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЮЗАГА ЧИҚДИ

Беллашувни кузата туриб, ҳамшираларнинг нафақат ўз соҳасининг билимдони, балки оила ва жамиятда ҳам фаол эканликларига амин бўлдик ҳамда бундан қувондик.

Мусобақа мурасасиз руҳда ўтди. Якуний натижаларга кўра, 3-ўрин Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали ҳамшираси Дилноза Набиевага



Мусобақани Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари кўмондони ўринбосари полковник Исроил Собиров кириш сўзи билан очиб берар экан, тиббиёт соҳаси ходимларининг жамиятда ўрни нақадар муҳим эканини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

– Мамлакатнинг эртанги ёруғ истиқболи миллат соғлиғи, навқирон авлод тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Бугун ушбу ҳаётий ҳақиқатга монанд тарзда аҳоли саломатлигини асраш, маънан ва жисмонан баркамол фарзандларни вояга етказишдек хайрли мақсад йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тарихан қисқа муддат ичида соғлиқни сақлаш тизимида янгиланишлар, ўзгаришлар рўй берди ва бундай янгиланишлар ҳарбий тиббиёт соҳасига ҳам хос. Бугун соҳада малакали мутахассислар фаолият юритяпти, ҳарбий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар қилинмоқда.

Энг муҳими, бу йўналишдаги ислохотлар бир зумга бўлсин, тўхтаб қолгани йўқ, аксинча, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг тиббий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом этмоқда. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг илғор ҳамшира» кўрик-танлови ҳам ана шундай эзгу ишларнинг инъикосидир. Беллашув бу гал ҳам ҳарбий тиббиёт соҳасида фаолият юритаётган энг билимдон, малакали ва тажрибали мутахассисларни юзага чиқаришига, улар учун марди майдон бўлишига ишонамиз.

Шундан сўнг Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган энг илғор ҳамширалар белла-



шишга киришди. Дастлабки, «Таништирув» шартидеъ уларнинг мусобақага қай даражада кучли тайёргарлик кўриб келгани кўзга яққол ташланди. Шунингдек, ҳамшираларнинг саҳнада ўзларини эркин тутишлари, ижодкорлик маҳорати ҳакамлар ҳайъатини ҳам беъэтибор қолдирмади.

Шартлар орасида, айниқса, «Тест саволлари», «Тезкор савол-жавоб» ва «Амалий вазифа» шартлари қизиқарли бўлди. Унда иштирокчилар эгаллаган соҳаси бўйича қай даражада билимли,

маҳоратли ва малакали эканлигини амалда исботлади. Энг муҳими, томошабинлар ҳамшираларнинг мутахассислик бўйича тақдим этилган саволларга берган жавобидан инсон саломатлигини сақлаш борасида қимматли маълумотларга эга бўлишди.

Шу ўринда «Эркин мавзу» шартидеъ бир-бирдан қизиқарли саҳна кўринишлари билан томошабинларнинг кўнглига йўл топган иштирокчиларнинг иқтидори, истеъдодини эътироф этишни жоиз деб биламиз.

насиб этди. Қарши ҳарбий госпитали ҳамшираси Юлдуз Тўраева 2-ўринга лойиқ деб топилди. Самарқанд ҳарбий госпитали ҳамшираси Сарвиноз Бобораҳимова эса кўрик-танловнинг мутлақ ғолиби бўлди.

– Ўз касбига чуқур меҳр қўйган инсон уни мукамал эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилади. Бизнинг олдимизда турган энг катта вазифа инсонлар саломатлигини тиклаш. Мана шу масъулиятни доимо ҳис қилиб туриш, ҳар бир тиббиёт ходимининг бурчи саналади. Бурчига содиқ ҳамшира ҳеч қачон ўқиш, ўрганиш, изланишдан толмайди. Бизга устозларимиз шундай ўргатишган. Устозлар сабоғи муваффақиятга йўл эканлигига танлов мобайнида яна бир бор амин бўлдим, – дейди танлов ғолиби Сарвиноз Бобораҳимова. – Мен фаолият юритаётган шифо масканида ўз соҳасининг етук мутахассислари фаолият юритишади. Уларга жуда ҳавас қиламан, муносиб бўлишга интиламан. Бугун қўлга киритган ютуғимда жамоамнинг ҳам ҳиссаси катта. Бунинг учун уларга миннатдорлик билдираман.

Ғолиб ва совриндорларга диплом, эсдалик ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Майор  
Гулнора ҲОЖИМУРОВА

# Inson qadri uchun

Фарғона вилоятининг жануби-ғарбида жойлашган Ўзбекистон тумани қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Мазкур ҳудудда давлатимиз чегараларини қўриқлаб келаётган сарҳадларимиз посбонларининг замон билан ҳамнафас яшашлари ва хизмат олиб боришлари учун «Туманботир» маҳалла фуқаролар йиғинидаги тоғ ости адирликларида янги чегарани қўриқлаш взводи барпо этилди. Денгиз сатҳидан 850 метр баландликда, ер майдони 1 ярим гектарга яқин ҳудудда бунёд этилган кўркам ҳарбий шаҳарчада Ватан сарҳадларини қўриқлашни ҳаётининг мазмунига айлантирган ҳарбий хизматчилар учун барча қулайликлар яратилган.



# ЯНГИ БИНОЛАР — шароит ва шинамлик

Хусусан, взводда чегаранинг, қўриқлов тизимига жорий этилган замонавий ахборот коммуникацион технологиялари сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш ва жанговар-хизмат фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Юрт ҳимоячиларининг жанговар руҳини янада ошириш мақсадида взводнинг ташқи кўриниши буюк саркардаларнинг ҳарб иши хусусидаги ибратли сўзлари туширилган тарғибот воситалари билан жиҳозланган бўлса, маъмурий бинонинг кенг ёруғ йўлаклари бўйлаб сохибқирон Амир Темур ва Турон қоплони Жалолиддин Мангубердиннинг ҳаёти ҳамда ҳарбий маҳоратидан ҳикоя қилувчи кўргазмали стендлар жой олган.

Ҳарбий хизматчиларнинг билим ва салоҳиятларини янада ошириш борасида ташкил этилган ўқув синфларида маънавий-маърифий тайёргарлик жараёнини самарали олиб бориш учун барча шароитлар муҳайё. 2 000 га яқин миллий ва жаҳон адабиётининг босма ва электрон намуналарини

ўзида жамланган кутубхона ҳам юрт ҳимоячиларининг маънавий оламини бойитишда катта аҳамиятга эга экани, шубҳасиз. Пештоқларида миллий колорит ва умумий кўринишида замонавийлик ўзаро уйғунлашган шинам ошхонада эса ҳарбий хизматчилар белгиланган меъёрлар асосида таомланишлари мумкин. Маиший хизмат кўрсатиш хонаси ҳам амалда фойдаланиш учун барча зарурий анжомлар билан жиҳозланган.

Ҳарбий хизматчиларнинг жисмонан чиниқишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун бино ичкарисидаги спорт залида керакли тренажёрлар мавжуд бўлса, ташқарида барпо этилган спорт шаҳарчасида бокс, футбол, қўл жанги, волейбол, енгил атлетика каби спорт турлари билан шуғулланиш мумкин. Аҳамиятлиси, эндиликда взвод ҳудудидан 5 чақирим пастда жойлашган Туманботир маҳалласи ёшлари ҳам мазкур спорт шаҳарчасида жисмонан чиниқиш имконига эга бўлдилар.

Чегарачиларнинг амалий тайёргарлик жараёнини ташкил этиш учун взвод ҳудудида амалий ўқ отиш майдончаси, изқуварлик майдони, муҳандислик шаҳарчаси ҳам барпо этилиб, зарур стендлар билан жиҳозланган.

Мажмуани фойдаланишга топшириш маросимида Давлат хавфсизлик хизмати ва ҳарбий маъмурий сектор раҳбарлари, нуронийлар, ҳарбийларнинг оила аъзолари ва меҳмонлар иштирок этиб, ушбу ҳарбий шаҳарча давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратаётган алоҳида эътибори ва «Инсон қадри учун» деган ғоя асосида олиб бораётган халқчил сиёсатлари натижаси эканини таъкидлашди.

Шундан сўнг ҳарбий шаҳарчада чегарачиларнинг муносиб турмуш шароитларини таъминлаш учун барпо этилган хизмат уйидаги 2 ва 3 хонали янги хонадонларнинг калитлари ўз сохибларига топширилди. Меҳмонлар баланд, ёруғ, шинам хонадонларни кўздан кечириб, бу ердаги шароитлар билан яқиндан танишдилар. Хизмат уйлари ҳовли-

сидаги кўркам болалар майдончаси кичкинтойларнинг шўх-шодон кулгилари билан тўлди.

Қувонарли жиҳатларидан яна бири, ҳарбий шаҳарча ҳудудида мактабгача таълим ташкилотининг 20 ўринга мўлжалланган қисқа мuddатли гуруҳи биноси ҳам қад ростлади. Кичкинтойлар учун зарур барча жиҳозлар билан таъминланган ушбу масканда ҳарбий хизматчиларнинг тегишли маълумот ва малакага эга бўлган турмуш ўртоқлари учун иш ўринлари яратилди. Шу билан бирга, шаҳарча ҳудудида ташкил этилган тикув цехида 5 нафар ҳарбийнинг турмуш ўртоғи иш билан таъминланиб, эндиликда улар ўз даромадлари билан оила бюджетига ҳисса қўшадиган бўлдилар.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, сарҳадларимиз посбонлари эндиликда замон талаблари асосида барпо этилган мазкур ҳарбий шаҳарчада яратилган қулайликлардан унумли фойдаланиб, оиласидан кўнгли тўқ ҳолда давлат чегараларини янада масъулият билан мустаҳкам қўриқлайдилар.

# Sport



# ЧЕГАРАЧИ ЎҒЛОНЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда спортга бўлган эътибор самараси ўлароқ, спортчиларимиз жаҳон миқёсида ўтказилаётган кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, давлатимиз байроғини юксакларга кўтармоқдалар.

Жумладан, Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган универсал жанг мусобақасида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган спортчилар делегацияси ҳарбий оркестр садолари остида Тошкент халқаро аэропортида тантанали тарзда кутиб олинди. Тадбирда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари масъул офицерлари, ҳамда спортчиларнинг яқинлари жам бўлдилар.

Унда сўз олганлар, бугун юртимизда спортни ривожлантириш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар хусусида тўхталиб, эришилаётган юқори натижалар спортчиларимизга яратилаётган шарт-шароит ва қулайликлар, кўрсатилаётган юксак эътиборнинг натижаси эканини алоҳида эътироф этдилар.

Нуфузли мусобақада кучли рақобат муҳитига қарамай, бир неча спорт усталари қатори 90 ва 95 кг вазн тоифасида иштирок этган ДХХ Чегара қўшинларининг 2 нафар ҳарбий хизматчиси – кичик сержант Наврўзбек Мавлонов ва контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Муҳаммадлазиз Қаюмов тенгсиз деб топилиб,

жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлишди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур мусобақаларда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан 400 нафарга яқин спортчи иштирок этиб, яқуний натижаларга кўра, Ўзбекистон терма жамоасининг тажрибали ва маҳоратли спортчилари умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

– Бундай юқори натижага фақат тинимсиз меҳнат ва машқлар ёрдамида эришиш мумкин, – дейди кичик сержант Наврўзбек Мавлонов. – Чунки рақибларимиз ҳам жуда кучли бўлгани учун мусобақалар ниҳоятда шиддатли кечди. Финалда қозоғистонлик рақибимни қийинчилик билан бўлса-да енгиб, жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлдим. Биринчи бўлиб, онамга қўнғироқ қилдим ва ғалаба қозонганимни айтдим. Давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янраганида қалбимдан кечган ҳисларни ҳозир сўз билан ифодалашим қийин.

Албатта, юртимиз байроғини юксакларга кўтараётган бундай алпқомат Ватан ўғлонларининг бугунги эришаётган ютуқлари уларнинг ота-оналари қаторида барчамизга фахр ва ифтихор туйғуларини бағишлайди.

# KITOBGA OSHNO O'G'LONLAR

“Bosib o'tgan hayot yo'limda uchragan qiyinchilik va mashaqqatlarni mardonavor yengishga yordam bergani uchun o'qigan kitobimdan minnatdorman”, degan edi g'arblik taniqli faylasuflardan biri. Ha, kitob insonning tafakkurini boyitadi, dunyoqarashini kengaytiradi, hayotni tushunishga o'rgatadi. Uning barchamiz uchun qadrlı ekanligi mana shu mezonlar bilan o'lchanadi. Shuning uchun ham oramizda kitobga, mutolaaga mehr qo'ygan insonlar ko'plab topiladi. Nukus shahridagi harbiy qismlarning birida o'z yigitlik burchini o'tayotgan askarlar orasida ham kitobsevar yoshlarning ko'pligi bizni juda quvontirdi. Fursatdan foydalanib, ular bilan qizg'in suhbat qurdik.



**Muddatli harbiy xizmatchi, oddiy askar  
Qodirmirzo LATIPOV:**

– Bolaligimdan kitob o'qish eng sevimli mashg'ulotim bo'lgan. Uyda kichikroq bo'lsa ham shaxsiy kutubxonam bor. Jahon adabiyotini sevib, mutolaa qilaman. Harbiy xizmatga o'tlanayotib, kitob o'qishga fursatim bo'lmasa kerak, deb o'ylagandim. Aksincha, harbiy qismda askarlarning kitob o'qishi uchun yetarlicha imkoniyat bor ekan. Yana kutubxonamizda tez-tez yangi badiiy adabiyotlar taqdimoti, yozuvchi va shoirlar ishtirokida turli ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar ham o'tkazilib turadi. Uchrashuvlarda qoraqalpoq adabiyotining vakillari bilan tanishyapmiz. Artur Konan Doylning “Sherlok Xolms sarguzashtlari” kinosini ko'rgandim, harbiy qismimiz kutubxonasidan kitobini olib o'qidim. Filmdan ko'ra, kitobini o'qish kitobxonda butunlay boshqacha taassurot qoldirishiga amin bo'ldim. Kitobdagi qahramonlar mening tasavvurimda butunlay boshqacha qiyofada aks etdi. Izquvarning o'z ishiga puxtaligi va odamiyligi asarning yanada mazmundorligini oshirgan.



**Muddatli harbiy xizmatchi, oddiy askar  
Sherzod ABDULAZIZOV:**

– Mumtoz adabiyot shinavandasiman. Alisher Navoiyning “Xamsa” asari mutolaasiga kirishganman. Hozircha uchta dostonni tugatdim. “Layli va Majnun” dostonini o'qiyotganimda xayolan Layli bilan suhbatlashdim, uning oqko'ngil qalbiga mehr qo'ydim. Asar fojiali ishq dostoni bo'lishiga qaramasdan, unda insoniylikning eng go'zal fazilatları juda chiroyli bayon etilgan. Mumtoz adabiyotning o'ziga xosligi uning tili murakkab bo'lsa-da, yoqimli. Insonni chiroyli so'zlashga o'rgatadi.

Umuman olganda, kitob go'yoki sehrli dunyoga o'xshaydi. Qancha ko'p o'qiganingiz sari yangi-yangi olamni kashf qilgandek bo'lasiz. Shuning uchun ham kitobni har doim o'zimga hamroh deb bilaman.



**Muddatli harbiy xizmatchi, oddiy askar  
Bobur ISMOILOV:**

– Bo'sh vaqt topdim deguncha tarixiy va detektiv asarlarni o'qish bilan mashg'ul bo'laman. Xizmatga kelgan ilk kunlarim kutubxonaga kirganimda, bu yerdagi kitoblar o'zbek va jahon adabiyotining nodir durdonalari ekanligidan juda xursand bo'lganman. O'shanda xizmatimni yakunlaguncha menga manzur bo'lgan adabiyotlarning barini o'qib chiqishni niyat qilganman. Mutolaa zavqi shundaki, inson kitobdagi qahramonga aylanadi. Yaqinda Chingiz Aytmatovning “Qulayotgan tog'lar” nomli asarini o'qib tugatdim. Hayotning achchiq haqiqatlarini so'zlagan asarda insoniyat va tabiat uyg'unligi ko'z oldingizda namoyon bo'ladi. Bir inson taqdirining fojaviy qismati butun bir millatning taqdiridan so'zlaydi. Safdoshlarimga ham buyuk adibimizning ushbu kitobini o'qishlarini tavsiya qilaman.



**Muddatli harbiy xizmatchi, oddiy askar  
Javohir ATABAYEV:**

– Maktabda o'qib yurganimda sinfdoshim bir gal tug'ilgan kunimda O'tkir Hoshimovning “Daftar hoshiyasidagi bitiklar” nomli kitobini hadya qilgan. Bu kitob men uchun kutilmagan sovg'a bo'lgan. Birinchidan, kitob sinfdosh qizdan sovg'a edi, ikkinchidan, yozuvchi yozgan voqealarning ayrimlari mening ham hayotimda bo'lgan edi, go'yo. Uni mutolaa qilish jarayonida kitobga, adabiyotga mehrim tushgan. O'shanda anglaganman tarbiyaviy ahamiyatga ega kitoblar insonning hayotiga ijobiy ta'sir o'tkazmay qolmaydi. Harbiy qism yotoqxonasida ham ko'pchiligimizning mo'jazzgina kitob javonimiz bor. Bu kitoblar harbiy qismda xizmat qilgan askarlarning bir-biriga esdalik sovg'alari sanaladi.



**Muddatli harbiy xizmatchi, oddiy askar  
Hayitbek ERMONOV:**

– O'quvchi paytimda o'qituvchimiz shunday degandi: “Kitob o'qishga vaqti yo'q inson demak, o'z ustida ishlashni xohlamaydi. U insonning kelajagi yo'q, na orzu, na maqsadi bor”. O'shanda bobomning “Kitob o'qi, odam bo'lasan!” degan o'g'itlarining ma'nosini tushunib yetganman. Shu kundan boshlab, hech bo'lmasa, kunda bir bet bo'lsa ham kitob o'qishga vaqt ajrataman. 7-sinfda o'qiyotganimda mashinalarga texnik xizmat ko'rsatish ustaxonasi bor qo'shnimizga shogird tushdim. Texnika bilan ishlash qiyin edi. Charchab qolardim. Kitob o'qishga vaqt topolmasdim. Shuning uchun, telefondan audio asarlarni tinglab ish qilishga odatlangandim. Harbiy xizmatga kelganimdan beri Said Ahmadning “Ufq”, Chingiz Aytmatovning “Qiyomat”, O'tkir Hoshimovning “Tushda kechgan umrlar” asarlarini va bir qancha hikoyalar to'plamini o'qib chiqishga ulgurdim. Hozir mutolaa qilayotgan kitobim – “Temur tuzuklari”. Unda buyuk sarkardaning haqiqiy timsoli, har bir yigit uchun muhim pand-u nasihat o'rin olgan. Maqsadim, Temur bobomiz kabi kuchli iroda va matonat sohibi bo'lish.



# O'zaro hamkorlik



**Азал-азалдан халқимиз ижодкорлик, бунёдкорлик ва бошқа соҳалардаги ютуқлари билан жаҳон цивилизациясида муносиб из қолдириб келган. Аждодларимиз қолдирган бой маданий, маърифий мерос, шунингдек, дурдона тарихий обидалар, санъат асарлари асрлар давомида барчани бирдек ҳайратлантириб келади. XV-XVI асрларда яшаб ижод қилган, инсониятга ана шундай нодир асарлар туҳфа этган машҳур мусаввир Камолiddин Беҳзоддир.**



# ИМКОНИЯТЛАР ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Лондондаги Честер Бейти ва Ўзбекистон миллий кутубхоналарида сақланаётган, буюк саркарда Амир Темурга бағишлаб ёзилган «Зафарнома»га ишланган мусаввир ижодига мансуб миниатюралар Камолiddин Беҳзод тимсоли қанчалик буюк эканидан далолат беради.

Ҳозирда республикаимиздаги ягона миллий рассомчилик ва дизайн институти машҳур мусаввир номи билан аталади. Бу илм даргоҳида унинг издошлари аждодлар анъанасини ҳам давом эттириб келмоқда. Институтда таълим олган кўплаб ижод аҳли алломанинг муносиб ворислари эканлигини амалда исботлаб улгурди. Пойтахтимизда қад ростлаган «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасидаги ўнга яқин монументлар рассомчилик ва дизайн институтида таҳсил олган ижодкорлар ижодига мансуб. Бундан ташқари илм даргоҳи талабалари «Шон-шараф» давлат музейи томонидан ўтказилиб келинаётган турли танловларда Гран-при ва совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам қад ростлаётган сўлим гўшаларда ўз ишлари ила қатнашиб келаётган ўзбек рассомлари, ҳайкалтарошлари ва санъат намояндалари номларини фахр билан санаш мумкин. Умуман олганда,

ўзбек ижодкорлари Камолiddин Беҳзод тимсолини амалда бугунги кунда дунё бўйлаб янада ёрқинроқ намоиш этиб келмоқда. «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасидаги монументларни ушбу ижодкорликнинг бир бўлаги, десак адашмаймиз.

Бу борадаги алоқаларни янада мустақамлаш йўлида «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва Камолiddин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти раҳбарияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми расмий кучга кирди. Меморандум ёдгорлик мажмуаси бошлиғи полковник Шухрат Юсупов ҳамда институт ректори Аббос Мирзараҳимов томонидан имзоланди. Шунингдек, тадбир давомида «Шон-шараф» давлат музейи ҳамда Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ўртасида ҳам худди шу тарзда ҳамкорлик битими тузилди. Мазкур меморандумни иккала музей директори – Мухторжон Шокиров ва Ихтиёр Расулов имзолади.

Меморандумни имзолаш жараёнида институтнинг санъатшунослик ва музейшунослик факультети талабалари иштирок этиб, тадбир якунида улар учун ёдгорлик мажмуаси ва музей бўйлаб экскурсия ташкиллаштирилди.

Асрор РЎЗИБОЕВ

# Matbuot anjumani

**Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун арафасида «Бир Ватанда, бир вақтда, бир масофага, бир мақсадда бирга югураемиз» шиори остида югуриш мусобақаси бўлиб ўтади. Ушбу мусобақа муносабати билан 13 ноябрь куни республиканинг ўн тўртта шаҳрида 30 мингга яқин иштирокчи бирлашади. Тошкент шаҳри ҳокимлиги биносида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ташкилотчилар томонидан ушбу маълумотлар тақдим этилди.**



# БИР ВАТАНДА, БИР ВАҚТДА БИРГА ЮГУРАМИЗ

Мухим саналарни нишонлашга бағишланган оммавий мусобақаларнинг ўтказилиши сўнгги йилларда анъанага айланиб бормоқда. Бу галги ўтказилаётган спорт тадбири ҳам бирдамлик, ҳурмат, тенглик ва миллий ифтихор руҳини ўзида муҷассам этган.

– Давлат байроғи кунини нишонлаш доирасида, Фарғона, Қўқон, Наманган, Андижон, Чирчиқ, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Қарши, Термиз, Навоий, Бухоро, Урганч, Нукус ва Тошкент шаҳри аҳолиси оммавий югуриш мусобақасига қўшилади, – дейди Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси бош қотиби Камолiddин Рузамухамедов. – Пойтахтимизнинг «Янги Ўзбекистон», «Ашхобод» боғлари ва «Нито Арена» спорт мажмуасининг майдонида югуриш мусобақаси ташкил-



лаштирилади. Барча шаҳарлар учун оммавий югуриш мусобақасининг ягона масофа узунлиги 3 километрни ташкил қилади. Ушбу масофа ҳар қандай тайёргарлик даражасига эга иштирокчи учун оптимал масофа ҳисобланади. Таҷрибали югурувчилар учун дастурга 12 километр узун-



ликдаги масофа киритилган бўлиб, унинг маршрути «Янги Ўзбекистон» боғида ўтказилади. Оммавий югуриш мусобақасида ногиронлиги бўлган иштирокчиларнинг хавфсиз ва қулай иштирок этишининг таъминланганлиги мусобақа дастурининг муҳим қисми ҳисобланади.

Шунингдек, мусобақа доирасида ҳар бир шаҳарда кўнглилар конферти тадбирларининг ўтказилиши режалаштирилган. Давлат байроғи кунига бағишлаб, оммавий флеш-моблар ташкил этилади.

Ш. ШАРИПОВ



АҚШнинг Жон Хопкинс университети профессори, Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институти таъсисчи директори Фредерик Старр 2013 йил «Американи ким кашф этган?» мақоласида Беруний даҳосини тан олиб, шундай деган эди:

- Беруний ўз дарсхона-ҳужрасини тарк этмаган ҳолда Колумбдан бир неча аср аввал Янги Дунёни, яъни Американи кашф этган. У Ер айланасини ўлчашда қўллаган услуб бугунги кундаги замонавий техникалар аниқлаган натижадан бор-йўғи 10,44 мил фарқ қилади, холос.

#### ҲАТТО АСАЛАРИЛАР ҲАМ...

Дунё олимлари томонидан Абу Райхон Беруний даҳосининг астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, фармакогнозия, тарих, филология фанларига оид бир юз элликдан ортиқ асарлари жаҳон илм-фани ривожланишига жиддий туртки берганлиги эътироф этилади. Бу асарларнинг ёзилиш услуби ҳам ўзгача, ўта жиддий масалалар таҳлил қилинган бўлса-да, мароқ билан ўқилади. Бунинг сабаби шундаки, у илмий мулоҳазани тушунтириш енгилроқ бўлсин деб, бирор модда тўғрисида ёзганида уни ҳикоялар ёки шеърлар билан батафсил ифодалашга ҳаракат қилган. Масалан, матнлар орасида бугунги одам учун ҳам муҳим бўлган мана бу каби гаплар ва мулоҳазалар кўп учрайди: «Асарларилар ҳам ўз жинсидан бўлатуриб, ишламай, уядаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайди».

- Гарчи биз баъзи жойларда турли фанларга ўтиб, яъни асл мавзудан биров чекиниб, баёнимизга алоқаси бўлмаган масалаларга киришиб кетсак ҳам, бу ҳол гапни чўзиш ёки кўпайтириш мақсадида эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик учундир. Чунки доимо бир хил нарсага қарайвериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. Ўқувчи бунда фандан фанга ўтиб турса, турли боғларда

юрганга ўхшайди, бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва у киши «Ҳар бир янги нарсада лаззат бор» дейилганидек, уларни кўришга қизиқди ва кўздан кечиришни истайди, - дейди Беруний ўзининг услуби ҳақида.

Алломининг «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир», яъни «Жавоҳирни билиш учун тўплам китоби» аниқ фанлар ҳақида бўлса-да, унда жавоҳирлар билан боғлиқ кўплаб шеър, ҳикоят ва воқеалар баён қилинган. Бу ҳикоятларни тўплаб, «Феруза» номи остида чоп эттирган таниқли олим Абдусодиқ Ирисов шундай ёзади:

- Абу Райхон маъданлар хусусиятини баён этишда ҳам, улар билан боғлиқ воқеаларни битишда ҳам ўзига хос йўл тутди. Унинг асариде келтирилган турли-туман нақл ва ўғитлар, қисса ва мулоҳазалар ўз даврида юз берган воқеалар бўлиб, буларнинг кўпи биз учун панддир, насиҳатдир.

Абу Райхон китобини ўқиган киши уни ҳозирги замон кишидан кам фарқ қилади. Худди ўтмиш тарихи, маданияти ва адабиётини яхши билган ҳозирги донишманд сенга салафлардан ҳикоя қилаётгандай туюлади.

Беруний халқ орасида юрган ҳикоя ва ривоятларни айта туриб, ундаги масалаларга илм, фаросат кўзи билан ёндашади, муҳим маълумотларни қайд қилиб, муаммоли

## «ҲАР БИР

# ЯНГИ НАРСАДА

## ЛАЗЗАТ БОР»

мавзуларни таҳлил этади, сарагини сара, пучагини пучак, дейди ва бу ишдан завқ, лаззат олади. Бу завқ ва лаззат унинг асарларини ўқиган кишига ҳам юқади.

#### ТЕМИРНИ ЕДИРИШ

Темирнинг шобурқон тури ҳақида бир неча одамлардан шуни эшитдим: уларнинг гапириб беришларига қараганда, сақолиб (славян)лар уни парча-парча қилиб, майдалар эканда, ювиб ун-кепакка қоришар, сўнг ўрдакларга беришар экан. Кейин ўрдакнинг чиқиндилари билан бирга олиб, яна ювишар ва яна қайтиб, ўрдакларга едиришар экан. Хуллас, улар бундай темирни ўрдакка қайта қайта беришар, кейин уни ювиб, то-залаб, бир неча борга чўғга солиб, ундан қилич ясар эканлар.

#### УЧАР ЧАҚМОҚ

Абу Жаъфар ал-Хозиннинг ҳикоя қилишича, бир гал чақмоқ учиб, у киши биладиган бир кишининг ҳовлисидаги харсанг тошга келиб тушган, кейин у олов соққага ўхшаб, ҳовли бўйлаб юмалаб кетган ва чуқурга бориб йўқ бўлган. Унинг юмалаб кетишига келсак, бунга оғирлик қонуни сабаб бўлган.

Чақмоқ ҳаводан ҳам, ҳатто ўзимиз кунда кўриб юрган оловдан ҳам нозик экан. Бунга шу нарса ҳам далил бўлиши мумкинки, ўзининг ҳаракатидаги жисмларга кириб боришида у зарарсиз кириб боради, уни суюққа айлантириб эритмайди. Ҳатто, одатда эришни қабул қиладиган жисмларни ҳам зарарсиз қолдиради.

Фақатгина шамол билан бирга ҳаракат қилган яшин, чақмоқ ва момақалдиқроқларгина металлларнинг бир жойдан иккинчи жойга бориб қолишига - бунда ё ер устидан, ё ер остидан чиқиндилар билан бирга отилишига сабаб бўлади. Бунга Жузжонда бир неча йилдан бери бор бўлган темир парчаси гувоҳлик беради. Уни ўрганиб, шоҳидлик берувчи кишининг гапига қараганда, бу парча бир маҳаллар денгиз лангари бўлган экан.

#### ЁМҒИР ЁҒДИРУВЧИ ТОШ

«Китоб ал-ҳаввос» - «Хусусиятлар китоби»да ар-Розий шундай дейди: турк юртида харлух (қарлуқ) билан бажанаг (печенег)лар ўртасида бир довон бор, агар ундан қўшин ё бўлмаса қўй подаси ўтса, молларнинг оёқ ва туёқларини кигиз ва жун билан қаттиқ боғлаб қўйишармиш. Бу билан улар жониворлар туёқлари юрганда тошларга қаттиқ тегмаслиги, шу билан теваракни туман босмаслиги ҳамда шариллаб ёмғир қуйиб юбормаслиги учун шундай

қилишармиш. Ўша тошлар ёрдами билан улар исталган вақтда ёмғир ёғдира олишар экан. У шундай экан: киши сувга тушиб, ўша довон тошини оғзига солар эмиш-да, қўлларини ҳаракатга келтирармиш, шу билан ёмғир ёғармиш.

Бу чўпчакларни айтадиган биргина ибн Закариё ар-Розийгина эмас. «Китоб ан-Нухаб» - «Сайланмалар китоби»да кўрсатилишича, ёмғир тоши харлухлар водийсидан наридаги чўлда бўлади, бу қора тош бўлиб, сал оч қизилга тортади.

Бу каби гапларнинг айланиб юришига сабаб шуки, бундай чўпчак ҳикоялар бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган мамлакатларда содир бўлиб, улар аҳолисининг бошқалар билан аралашши камдан-кам бўлганлигидандир.

Турклардан бири менга шунга ўхшаган бир нарсани олиб келган эди. У киши мени бунга кўрган заҳоти даҳшатга тушади ё бўлмаса ҳеч тортиб ўтирмай, уни қабул қилади, деб ўйлаган бўлса керак. Мен унга:

- Қани ёмғир ёғадиган вақтдан бошқа пайтда менга бир ёмғир ёғдириб бер-чи, борди-ю, у пайт ёмғир мавсуми бўлса, у ҳолда менинг истагимга кўра, ҳар хил вақтларда ёғдириб берасан. Шунда мен бунга сендан олиб, умид қилган нарсангни, ҳатто ундан ортиқ бўлса ҳам ҳақ тўлайман, - дедим.

У киши менга ҳикоя қилиб беришганига ўхшаб, ҳатти-ҳаракат қила бошлади. Олдинига тошни сувга ботирди, кейин осмонга сув сачратди. Шу билан бирга бир балоларни ўқиб, вайсар, бақириб-хайқирарди. Лекин у қанчалик уринмасин, ёмғирни чақиролмади. Ўзи осмонга сачратган сувнинг ерга қайтиб тушганини ҳисобга олмасак, бир томчи ҳам ёмғир ёғдира олмади. Бундан ҳам ажабланарли ҳол шуки, бу ҳақдаги гап кўпчилик орасида тарқалиб кетган, табиатларига бир нарсани тубига етмасдан фикр қилиш ўрнашиб олган омма у ёқда турсин, аёнлар фикрида ҳам шу нарса ўрнашган эди.

Шунинг учун ҳам йиғилганлардан бири у кишини ҳимоя қила бошлади, бу тошнинг ёмғир ёғдира олганига жойларнинг аҳволи турлича бўлгани сабаб, деб тушунтиришга уринди. Бу тошлар фақат турк ерларидагина ажойиб хислатга эга бўлади, деди. Бунга далил сифатида Табаристон тоғлари чўққисида саримсоқни майдалашса, ўша заҳоти ёмғир ёғади, деди ва бошқа вазларни айтди.

Мен унга:

- Бу борада тўғри фикрга эга бўлиш учун тоғ шароити, шамол йўллари ва денгизларда булутлар юришини билиш керак бўлади, - дедим.

Фурқат ЭРГАШЕВ тайёрлади.

# Mulohaza

# АВТОУЛОВ ИХТИЁРИНГИЗДА-МИ?!



## «ТЕЛЕВИЗОРНИ ЎЧИРИБ ҚЎЙСАНГ ҲАМ АВАРИЯЛАР ҲАҚИДА КЎРСАТЯПТИ!»

Ижтимоий тармоқларда, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида бериладиган хабарларнинг аксарияти йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисида. Ҳожибой Тожибоевнинг таъбири билан айтганда, телевизорни ўчириб қўйсангиз ҳам авариялар ҳақида кўрсатяпти. Вазиятни кулги билан тушунтиришга уринган бўлсак-да, аслида вазият анчайин аянчли. Биргина ўтган 2021 йилнинг дастлабки 10 ойида 7 681 та йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. Бунинг натижасида қанча киши зарар кўрганини таҳлил қилишга ҳо-жат йўқ. Чунки ЙТХ бўлди, демек, йўқотиш бор. Ҳамма соғ бўлса, кимнингдир машинаси пачоқланган бўлади ёки аксинча. Хуллас, бу каби ҳодисалар асло изсиз қолмайди...

## БИР ВИЛОЯТДА 23 ТА ҲОЛАТ

Мавзу юзасидан Навоий вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш гуруҳи катта инспектори лейтенант Фаёзжон Қосимовнинг фикрлари билан қизиқдик:

– Фарзанд дея аталмиш бебаҳо неъмат ҳар бир оиланинг қувончи, бахту саодати. Бутун жисму жони билан суйган дилбандини арзимас эътиборсизлик, қутилмаган кўнгилсиз-

лик натижасида бир умрга йўқотиб қўйиш ота-она учун оғир изтироб. Кейинги вақтларда ота-оналар лоқайдлиги, болаларнинг шошқалоқлиги сабаб дилни хира қилувчи йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада ошган.

Хусусан, Навоий вилоятида 2022 йилнинг ўтган 9 ойи даврида болалар билан боғлиқ жами 23 та йўл-транспорт ҳодисаси кузатилган бўлиб, натижада 4 нафар бола ҳаётдан кўз юмган, 19 нафари турли кўринишдаги тан жароҳатлари олган. Мактаб ўқувчи-ёшлари билан ўтказилган сўронома натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ота-оналарнинг деярли кўпчилиги фарзандларига амалдаги йўл ҳаракати қоидаларини тўлиқ ўргатишга эътибор қаратмайди. Бу эса аксарият ҳолларда аянчли оқибатларни келтириб чиқармоқда.

## АСОСИЙ САБАБЛАР МАЪЛУМ

Ҳодисалар оқибатини сарҳисоб қилиш унчалик қийин эмас. Унинг сабабларини ўрганиш, қарши курашиш машаққатли. Кимдир йўл-транспорт ҳодисаларига ҳайдовчилик гувоҳномасини турли айланма йўллар орқали олганларни сабаб қилиб кўрсатса, бошқаси йўлларнинг сифати давлат стандартига мос эмаслигини иддао қилади. Аслида, ҳар иккала қараш ҳам тўғри. Йўллар инфратузилмасининг талабга жавоб бермаслиги, керакли жойда зарурий йўл белгилари ўрнатилмагани ёки кераксиз жойга ўрнатилгани, автомобиль йўлларининг сифатсизлиги, ҳайдовчиларнинг ўқувсизлиги ва ҳоказолар йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан экани маълум. Аммо буларнинг ҳеч бири тузатиб бўлмайдиган масала эмас. Айтайлик, «права»ни сотиб олишни бартараф этиш муаммога ечим бўлса, демек, гувоҳнома олиш учун ўқиш ва ўқитиш жараёнини назорат қилиш керак. Ўзи ва ўзгалар ҳаётини бўйнига ололмайдиган, қоидаларни писанд қилмайдиган

кишилар машина бошқариш ҳуқуқига эга бўлмасин.

Муаммолар қаторида йўл қоидалари бўйича етарли даражада маълумотга эга бўлмаслик ҳам бор. Мактабларда светофорнинг қайси чироғида қандай ҳаракат қилишдан жиддийроқ масалалар ўргатилмаса керак. Акс ҳолда, мактабни битириб ҳам анча-мунча қоидаларни «сув қилиб ичиш» ва маданиятли ҳайдовчига айланиш мумкин бўларди. Аммо ҳаммаси ҳам биз ўйлагандек эмас.

## ҚАЧОН АВТОУЛОВ ҲАЙДОВЧИНИНГ ИХТИЁРИДА БЎЛАДИ?

Статистик маълумотларга кўра, пойтахтимизда қарийб 50 фоиз йўл-транспорт ҳодисалари тезликни ошириш туфайли содир бўлади. Дунёдаги кўплаб шаҳарларда тезлик чегараси 50 км/соатни ташкил қилади. Бирок яқинда айнан шу масала Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилгач, тошкентлик депутатлар бу чора самарадорлигига шубҳа қилаётганликларини, 70 км/соат тезлик шусиз ҳам паст экани, тезликни камайтириш билан «ҳеч нарса ўзгармаслиги»ни айтганди.

Мамлакатнинг қонун чиқарувчи органи муҳокамасида бўлган мавзунини биз яна қайта таҳлил қилмоқчи эмасмиз. Тажрибали ҳайдовчиларнинг барчасига маълумки, ҳаракат давомидида автомобиль тезлиги паст бўлса, фавқулодда ҳолат юз берганда тегишли чорани кўриш осон кечади. Яъни секинроқ ҳаракатланаётган автоулов ҳайдовчининг ихтиёрида бўлади. Катта тезликдаги машина эса бошқарувдаги инсонга бўйсунмайди. Шундай экан, ҳаракатланиш учун белгиланган меъёр паст бўлса ва бунга амал қилинса, ишонамизки, аянчли оқибатлар келтираётган йўл-транспорт ҳодисалари сони кескин камаяди.

## ЙЎЛ ҚОИДАСИГА АМАЛ ҚИЛИШ КУНДАЛИК ЗАРУРАТДИР!

Жамият бу – инсонлар мажмуи. Инсон эса хато қилгувчи, адашувчи ҳисобланади. Шундай бўлса-да, транспорт воситасини бошқараётган ҳайдовчи ёки йўлда ҳаракатланаётган пиёда хато қилмаслиги керак. Ана шунда ўзи ва ўзгалар ҳаётига зарар етказмайди, ижтимоий хавфи катта бўлган ҳодисаларга йўл қўйилмайди.

Рўзиқул ОЧИЛОВ,  
«Vatanparvar»

# Ogohlik

# ЁНҒИНГА ҚАРШИ ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИ

Дунёда ва республикамызда содир бўлган ёнғинларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, инсонларнинг оддий эътиборсизлиги ва лоқайдликлари, ёнғин хавфсизлиги талаб ва қоидаларини билмаслиги ёки била туриб, унга риоя этмаслиги оқибатида содир бўлмоқда. Шунингдек, ёнғин содир бўлганда уни тезда бартараф этишда нотўғри чоралар кўрилиши унинг катталаниши кетиши ва оғир мусибатларга сабаб бўлмоқда.



Қиш мавсумининг бошланиши, об-ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши билан уйларда, ётоқхоналарда ва бошқа бино, иншоотларда иситиш мосламаларидан фойдаланилади. Ташвишли томони шундаки, айрим фуқаролар яшаш хонадонларида уйни иситиш мақсадида носоз ёки қўлбола усулда ясалган газ ва электр иситиш мосламаларидан фойдаланишди ва баъзи ҳолларда уларни қаровсиз қолдиришади. Бу ҳолатлар эса ёнғин содир бўлиши, ис газидан заҳарланиш каби мусибатларни олиб келиши мумкин.

Шу сабабли Самарқанд гарнизони ёнғин назорати инспекцияси, Самарқанд вилояти ФВБ шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари, «Худудгаз Самарқанд» бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди ва ёнғин хавфсизлиги, ис газидан заҳарланиш ҳолати ва турли хилдаги кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича йўриқнома, ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар, ёнғин хавфсизлигига доир эслатма тарғибот буклетлари тарқатилди.

Самарқанд гарнизони ёнғин назорати инспекцияси томонидан ҳарбий қисм ва муассасаларда ёнғинга қарши профилактика тадбирлари ўтказилиши давом этмоқда.



Майор П. БОЙҚЎЗИЕВ,  
Самарқанд гарнизони ёнғин  
назорати инспекцияси бошлиғи

# КИТОБСЕВАР КУРСАНТЛАР

Октябрнинг сўнгги кунларидан бирида Қуролли Кучлар ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академиялари курсантлари ўртасида «Аждодлар жасорати – ибрат мактаби» шиори остида «Китобсевар ҳарбийлармиз» викторинаси бўлиб ўтди.

Барча бу каби тадбирларда бўлган каби томонлар уч шарт бўйича беллашдилар. Яъни таништирув, ифодали ўқиш, лавҳа шартлари.

Таништирув шартини кузатар эканман, ҳозир Қуролли Кучлар академияси йиғилганларни тўлқинлантириб юборадиган бир чиқиш қилдилар, деб ишонган эдим. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси курсантлари... ўзи яқинроқда ташкил этилган бўлса, қанчалик ҳам ўзларини таништирар эдилар, деган нописанд ўй кўнглимдан кечгани рост. Афсус. Шунчалар шонли ҳамда узоқ йиллик тарихи бўлишига қарамасдан, қуруққина, деярли барчага аён маълумотларни тақдим қилдилар, курсантларимиз.

Бу шунчаки викторина дейишингиз мумкин. Ҳақлисиз. Аммо Қуролли Кучлар академиясининг мухташам залида ДХХ, ИИВ академиялари, Миллий гвардия жамоат хавфсизлиги университети, Божхона институти курсант ва тингловчилари иштирок этдилар-да. Уларнинг ҳеч қайсида миллат ойдинлари Абдулла Авлоний, Мирзакалон Исмоилий билан боғлиқ тарихи йўқ. Улардан бири бу ерда сабоқ берган бўлса, яна бири Иккинчи

жаҳон урушида уч ойлик офицерлар тайёрлаш курсида таҳсил олган.

Тадбир файзли, байрамона тарзда кечди. Айниқса, академия умумқўшин факультети курсантларининг Соҳибқирон Амир Темур, султон Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирийнинг ҳаётидан тайёрлаган сахна кўринишлари йиғилганлар томонидан қизғин кутиб олинди. Батафсил тўхталиш шарт эмас, бизнингча. Викторина аввалидаги маърузалар нима учун қилинганини изоҳлаш қийин. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси Аъзамжон Умаралиев курсантларни қутлади. Шартларни баҳолашда Шерхон Қодирий ҳам иштирок этди.

Албатта, ушбу парча маълумотда ғолиблик Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси курсантларига насиб этганини англаш қийин эмас.



Bahrom ABDURAHIMOV

ди-ку. Тадбир китобга, китобсеварликка тарғиб қияпти. Ўзбек адабий тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирда рус тилида «сайраш»ни нима деб тушунмоқ керак?! Шуми она тилимизга ҳурмат?! Ватан ҳимояси сарҳадларни қўриқлашдан иборат эмас! Ватан ҳимояси бағоят кенг қамровли тушунчадир. Улар орасида она тилимизни қадрлаш ва ҳимояси ҳам энг шарафли амаллардан саналади. Чунки бу тил жаҳон айвонида бизнинг миллат сифатида ўз ўрнимиз ва овозимиз борлигини билдирувчи энг муҳим белгилардан биридир!

Умид қиламизки, академия жамоаси бу мавзуда яна ҳам эътиборли бўладилар.

Ғолиблик ўз йўлига. Аммо бир нарсга тўхталмаслик мумкин эмас. Ўзбек адабий тилига давлат тили мақоми 1989 йилда берилган эди. Тадбир ҳам асли шу муносабат билан ташкил этилган. Бироқ... Бугун ёшларимизнинг бир неча тилларни мукамал билишлари катта янгиллик эмас. Имкони етган борки, бирор хорижий тилни эгаллашга ҳаракат қияпти. Бу қувонарли ҳол. Бежиз тил билган эл билади, дейилмай-

## ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН ҲАРБИЙ ОИЛА

Бу тадбир ҳақида бўлиб ўтди, дейишдан аввал ваъзи ҳолатларга эътиборингизни тортишни истадик. Қуролли Кучлар тизимида турли маърифий тадбирлар ташкиллаштирилади. Ҳаммасининг ўз ўрни, аҳамияти бор, албатта. Шундай бўлса-да, айрим тадбирлар кўнглига яқинлиги, самимийлиги билан алоҳида ажралиб туради, ёдда қолади. Улардан бири сўзсиз «Энг яхши китобхон ҳарбий оила» кўрик-танловидир.

Мазкур танловнинг иккинчи босқичи Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўмондонлигида ҳам қизғин баҳслар билан кечди. Бу, ҳатто онлайн режимида ташкил этилганига қарамасдан сезилиб турди.

Капитан Беҳруз Аҳмедовнинг рафиқаси қўлида бола билан қатнашди. Аслида, бу тадбирга болалар ҳам қатнашиши олқишланади. Бироқ уларнинг фарзанди ҳали юришни ҳам билмайдиган кичкинтой. Қўлида гўдаги билан бу каби маърифий тадбирларда қатнашадиган оналар қалбни ёруғ умидларга тўлдиради. Жамиятнинг, миллатнинг тарбиячиси маърифатли Аёлдир!

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ҳожиакбар Абаровлар оиласи беш фарзанди билан чиққанида сахна ҳам ёришиб кетгандек бўлди. Таништирув ҳам шунчалар гўзал бўладими-я! Умида, Шаҳризодаю Азиза ўзларини ҳақиқий «билагонлар» эканликларини кўрсатдилар.

Азиз ўқувчи, болаларингизга ғазал ўқиб берганмисиз? Умуман уйингизда ғазал ўқиларми?

Сержант Суннат Нормаматов оиласи гўзал сахна кўриниши тайёрлабдиларки, мумтоз адабиётга муҳаббат манамен дея акс этиб турибди. Шамлар ёруғида ғазал ўқиётган аёл, ғазал ўқиётган она! У болалари қалбига нур олиб қияпти! У болаларига унутилмас хотиралар қолдирапти. У фарзандларини мумтоз адабиётга муҳаббат билан тарбияляпти. Бор бўлсин, шундай оналар!

Ҳарбий оилалар орасида истеъдодлар бисёр-да. Масалан, катта лейтенант Нурбек Эшмаматовлар оиласи. Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур «Анор» ҳикоясини маҳорат билан сахналаштириб, эътирофга сазовор бўлдилар.

Танловда иштирок этган саккиз оиланинг ҳар бири ҳақида узоқ тўхталсак арзийди. Чунки улар китобсевар оилалар. Китобсевар-

ликлари билан бошқаларга ибрат бўляптилар. Китобга муҳаббат, китобсеварлик юксак баҳоланишини, қадрланишини бошқаларга кўрсатаяптилар.

Ҳар қандай танловда бўлганидек «Энг яхши китобхон ҳарбий оила» кўрик-танлови иккинчи босқичининг ҳам ғолиби эълон қилинди. Фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни олганлар ҳам бор. Аммо биринчи ўринни эгаллаган ғолиб кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олади.

Катта лейтенант Санжар Сафаровлар оиласи ана шу имкониятни қўлга киритди. Ҳозирдан бир нарсая дейиш қийин. Чунки кўрик-танловнинг сўнгги босқичида биринчилар, яъни энг кучлилар баҳслашадилар. Осон бўлмайди.

Биз эса барчага омад тилаймиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Vatanparvar»

# Tarbiya sabog'i

Фарзандни ниҳолга қиёслаймиз. Навниҳол кўчатни қанча меҳр бериб парваришласангиз шу даражада гуллаб-яшнайдиган, дуркун қад ростлайди. Кун келиб, меҳрингизу меҳнатингиз эвазига соясида беминнат ҳордиқ оласиз, мевасидан баҳраманд бўласиз. Ундан нафақат сиз, балки кўплаб инсонлар фойдаланади, баҳра олади.



# ЎҒИЛ-ҚИЗИНГИЗ БАҒРИНГИЗДА УЛҒАЙСИН

**Ф**арзанд улғайтириш ҳам худди шундай. Бироқ бу ота-она зиммасига бир қадар устувор масъулият юклайдики, унга ҳатто она қорнида вужудга келишидан бошлаб эътибор қаратилади. Бу инсон боласининг табиат мавжудотларидан фарқли равишда меҳр-муҳаббат ва парваришга муҳтожлигидан далолат. Шу сабаб болаларни соғлом улғайтириш, замон билан ҳамнафас таълим-тарбия бериш, ҳар томонлама етук ва баркамол вояга етишлари учун ота-она бор умрини сарфлайди. Улар қаторида атрофидаги яқинлари, устозлари, жамоатчилик ҳамхўрлик кўрсатади. Бу эътибор ўғил-қизларнинг илк парваришидан тортиб, уларнинг маънавий-ахлоқий, руҳий шаклланишига қадар муҳим аҳамиятга эга. Лекин унутмаслик керакки, таълим-тарбия негизини аввало, оила, ундаги соғлом муҳит ташкил этади. Зеро, соғлом муҳит соғлом бола қафолатидир.

Фарзандлар улғайиб, маълум касб-корни эгаллаб, улкан ҳаёт уммонига қўшилгач, уларга ўзига хос талаблар қўйилади. Яъни зиммасидаги фарзандлик бурчини адо этиш масъулияти. Бу талабнинг энг асосийси ота-онага нисбатан меҳрибон ва оқибатли бўлишларидир.

Ўғил-қизларда айнан ота-она ва яқинларига нисбатан меҳр-оқибат туйғуси шаклланишида нималарга эътибор бериш зарур? Улардан меҳр-муҳаббат талаб қилишдан аввал шу инсоний туйғуни оила шароитида фарзандларга қандай сингдириб бормоқ лозим? Келинг, шу ҳақда мулоҳаза қилиб кўрайлик!

Ноябрь ойининг этни жунжиктирувчи аёзли кунлари. Кечга томон ишдан сўнг ҳар доимгидек бекат томон шошилдим. Кун қисқа бўлгани сабаб эрта қоронғи тушган. Бу

пайтда йўллар машиналар билан тўла, автобуслар йўловчилар билан тирбанд бўлиши табиий ҳол. Чунки деярли барча ишчи-хизматчилар иш кунини яқунлаб, оилалари томон шошилади. Бекат одамлар билан гавжум. Тўлиб келаётган автобусларга чиқиб олишнинг ўзи бўлмайди. Ва ниҳоят, одамлар оқимига қўшилиб, ўзим кутган уловга чиқиб олдим. Автобус тутқичи томон қўл чўзар эканман, тутқичга маҳкам ёпишиб олган болакай эътиборимни тортиди. Ёнидаги сумкаси, кийимларига қараганда унинг ўқувчилигини англаш қийин эмас. «Мақтабидан жуда кеч қайтаркан-да», хаёлимдан ўтказаман уни ҳар бекатда автобусга тиқилаётган йўловчилар тирбандлигидан авайлаб.

Шу тобда унинг қўл телефони жиринглаб қолди. «Дада, сизмисиз?»

оладиган бўлсак, мактаби анчайин узокда жойлашган. Шунингдек, эрталаб ва кечқурун айнан автобуслар тирбандлигида ҳали суяги қотмаган болакайнинг бундай масофага қатнаб ўқиши осон эмас.

– Ўқишдан доим шундай кеч қайтасанми? – суҳбатга тортаман яна.

– Ҳа, – бошини қимирлатди у.

– Хўш, кун давомида нималар қиласизлар?

– Дарсдан сўнг овқатланиб, берилган вазифаларни бажарамиз. Гоҳида спорт билан шуғулланамиз, – болакай анчайин ўзини тутиб олганди.

– Жуда соз, унда қишлоқдаги мактабингдан бу ердаги шароит яхши экан-да?

У саволимга жавобан индамай бошини эгди. Унинг кўнглидан айнаи дамда нималар кечаётганлигини ҳис қилиб турардим. Чунки бу ёшда

лом-алиқдан сўнг ундан фарзандларини сўрадим:

– Ўғилчаларингиз катта бўлиб қолгандир, Матлубахон?

– Бўлмасачи, опажон, каттам учинчини, кичкинам биринчи синфни тугатяпти. Шаҳардаги махсус мактабга берганмиз, – фахр билан таъкидлади у.

– Шаҳар билан қишлоқ ораси анчайин масофа, болаларингиз қатнаб ўқимаса керак. Ёки мактабнинг ётоқхонаси борми?

– Йўғ-е, ҳозирча бир яқин танишимизникида туришибди. Кейинчалик уй олиб қолармиз.

– Болаларингиз жуда ёш экан, шунга кўникдими? – ҳайратимни яширмадим.

– Кичик ўғлимнинг кўникиши қийин кечди. Икки-уч марта касал ҳам бўлди. Лекин қаттиқ турдик. Чунки унинг кўнглига қарасак, акаси ҳам ўқимай кўяди. Ўғил болага ёшлигидан қаттиқ турмаса бўладими? Шундоғам, ҳар ҳафта уйга олиб келамиз, ювинтириб, кийим-бошларига қараб, яхши кўрган овқатларини тайёрлаб бераман. Нима бўлганда ҳам келажакда яхши инсонлар бўлсин, катта ишларда ишласин деймиз-да.

Ҳа, айримларнинг наздида эл назаридаги яхши инсон бўлиш учун албатта, мансабдор бўлиш керак. Ота-онанинг бу орзусини мурғак болалар митти қалбига қандай сингдиради, қандай қабул қилади, билмадим.

Минг афсуски, пойтахт ва вилоят марказларида таҳсил олаётган бундай болажонлар айнаи дамда мингларни ташкил этса ажабмас. Кун келиб, қўшнимнинг фарзандлари, мен суҳбатлашган болакай ҳам ўқимишли, катта ишларга қодир инсон бўлиб вояга етар. Аммо унинг болалик чоғидаёқ соғинчдан эзилган қалби, ота-онаси бағрига, меҳрига тўймаган жажжи юраги кун келиб, яқинларига меҳр тутқазармикан? Ундаги бу туйғу йиллар ўтиб, тошга айланмаслигига ким қафолат беради? Бундай болалар улғайгач, нафақат яқинлари, балки атрофидаги инсонларга нисбатан ҳам совуққон ва меҳрсиз бўлмаслигига ким ишонч билдиради?

Европа ва Ғарб давлатларида бўлиб қайтган инсонлар борки, миллатимиз одамлилик ва меҳр-оқибатда тенгсиз эканлигини сўзлашади. Айниқса, миллатимиз фарзандларини катталарга, ота-оналарга нисбатан ҳамиша ҳурмат ва эътиборда бўлиб, ҳамхўрлик кўрсатишга шай туришларини таъкидлаб, бундан фахрланишади. Дарҳақиқат, бу туйғу бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган тенгсиз фазилат, улуғ қадрият. Аждодларимиз ардоқлаб келган бу қадриятни фарзандларимизга сингдириб бориш эса, бизнинг келажак авлод олдига фарзу қарзимиздир. Бундан бир дақиқага бўлса-да унутиш ўзлигимиз, маънавиятимизга путур етказиш билан баробар.

Истиклол фарзандлари буюк ишларга қодир бўлишлари шарт. Улар учун таълим соҳасида катта ишлар, янгилашилган амалга оширилмоқда. Керак бўлса, ўғил-қизларимиз дунёнинг энг нуфузли илм даргоҳларини эгаллашлари лозим. Фақат... фақат болалик чоғларида ота-онанинг қуёшга тенг меҳр тафтидан баҳраманд бўлиб, уларнинг бағрида ўсиб-улғайишса нур устига аъло нур бўлар эди.

Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»

хомуш кетаётган бола атрофдагиларни унутиб, жанангдор овозда мулоқот бошлади. «Аям яхшими? Ҳа, ўқияпман, соғлиғим яхши. Бугун ҳам даладамидларинг, картошкаларни йиғиштириб бўлдиларингми?» Унинг овози қалтираётганини сезиб, юзига қарадим. Болакай телефонни қулоғига тутганча овоз чиқармай йиғларди. Отасининг танбеҳидан ўзига келди чоғи «йўқ, яхшиман, фақат сизларни соғиндим», деди аста бўшашиб, кўз ёшини енг билан артар экан. Сўнг ўзини қўлга олиб, «дадажон мактабимнинг пулини тўлаб кетинг. Бўлмаса уч кундан кейин мени дарсга киритмас экан», отасига ялинчоқ оҳангда сўнги сўзини базўр айта олди у. Телефонни аллақачон сумкасига солиб қўйган бўлса-да, ҳамон елкалари титраб, унсиз йиғлаётган болакайни чалғитишга ҳаракат қилдим.

– Нечанчи синфда ўқийсан, ўғлим?

– Бешинчи, – деди у аста бошини эгиб.

– Қара, каттагина йигитча бўлиб қолибсан-ку, яна йиғлайсан-а! Ўғил болага йиғлаш ярашмайди, – елкасини силаб, тинчлантиришга уриндим. – Ҳадемай, улғайиб, полвон йигит бўласан. Ўғлимиз ўқиб, катта одам бўлади, деган ота-онанг сенга таянишади. Бунинг учун эса сабрли, ақлли бола бўлишинг керак...

Унинг биров тинчланиб олганлигига ишонч ҳосил қилгач, исминини, қаердан эканлигини сўрадим. Узок бир вилоятнинг номини айтди. Суҳбат жараёнида ота-онаси уни пойтахтдаги ихтисослаштирилган махсус мактабга ўқишга берганлигидан воқиф бўлдим. У аммасиникидан қатнаб, ўша мактабда таҳсил олар экан. Ўқув масканига икки транспортда алмашиб боришини инобатга

ота-она ва яқинлари, бирга улғайган ўртоқларидан айро яшашнинг ўзи бўлмайди. Кечқурунлари онажонисининг тиззасига бош қўйиб, эртаклар тинглаши, тонгдан унинг «полвоним тура қол, мактабга кеч қолсан» деб эркалаб уйғотиши, «той бола уйғондими?» дея отасининг суйиб қўйиши, ака-укалари даврасидаги нонушта, ўртоқлари билан бирга қишлоқнинг қадрдон кўчалари бўйлаб мактаби томон шошилиши, барча-барчаси унинг ҳаёт қийинчиликларида тобланиб улгурмаган жажжи юрагига соғинч ҳисларини солаверади, ота-она меҳрига муштоқ этаверади.

Инсон ҳар қандай шароитга кўникиши, мослашиши мумкин. Чунки бу ҳаёт қонуни. Аммо ота-онанинг боласига тиккан «катта одам бўлиш» орзусини амалга ошириш учун уларнинг меҳридан йирокда ўсган, тўғрироғи уларнинг юксак орзуси йўлида болалиги қурбон этилган фарзанддан эрта келиб, меҳр кутса бўладими?

Тўғри, ҳар бир инсон ўзи етмаган эзгу мақсадлари рўёбини ўғил-қизда кўришни истаydi. Уларнинг улкан ишларга қодир бўлишига умид боғлайди. Бундай эзгу ниятни фақат оқлаш мумкин. Зеро, юрт истиқболи мана шу фарзандлар қўлида. Бироқ уларни ҳеч бўлмаганда 15-16 ёшга қадар бағирларида асраб, ота-оналик меҳри ила улғайтиришса бўлади-ку.

Ватанга муҳаббат ҳам аввало, оилада улғаяди. Бу туйғу инсоннинг туғилиб ўсган гўшаси, яқинлари меҳри билан узвий боғлиқ. Оила бағрида улғаяётган ўғил-қизлар учун шу маскандан азиз гўшанинг ўзи йўқ ҳаётда. Бу даргоҳдан эрта айириш эса уларнинг қалбини мажруҳ этиши мумкин.

Қарангки, шундай воқеа водийга қишлоққа борганимда ўзимнинг ён қўшним билан ҳам рўй берди. Са-

# Kelajagimiz egalari

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК

## «Шунқорлар» беллашуви

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳамда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги томонидан Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида маҳаллалардаги уюшмаган ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ҳамда «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»дан ўрин олган оилалар фарзандлари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди.

Мусобақада республиканинг Тўрткўл, Беруний, Эллиққалъа, Амударё, Қўнғирот, Хўжайли, Қораўзак, Чимбой, Кегейли туманлари ва Нукус шаҳридан жами 110 нафар 17-22 ёш оралиғидаги ёшлардан иборат 11 та жамоа иштирок этди. Низом шартларига кўра, жамоалар «Ҳарбий-ватанпарварлик блоки», «Ҳарбий-амалий кўпкураш блоки» ва «Спорт блоки» асосида мусобақаларда куч синашди.

Қизғин ва мурасасиз кечган ҳарбий-спорт мусобақаси шартларига кўра, биринчи ўрин Кегейли туманининг «Лочинлар» жамоасига насиб қилди ва бу жамоа шунқорлари финал босқичига йўлланмани қўлга киритди. Фахрли иккинчи ўринга Қўнғирот туманининг «Амир Темур

авлодлари», учинчи ўринга эса Қораўзак туманининг «Тулпор» жамоалари муносиб топилди. Ғолиб ва совриндорлар «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда республика миқёсида ўтказилаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари «Ватанпарвар» ташкилотининг «Ватан тараққиётига хизмат қилиш ва содиқ бўлиш» концептуал ҳарбий-ватанпарварлик ғояси остида ёшларни бирлаштиришга замин яратмоқда. Бу эса ташкилот томонидан тайёрланаётган ватанпарвар ёшлар Янги Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашда ҳамда раванқ топишида салмоқли ҳисса қўшишини англатади.

Шу куни Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси

кенгаши билан ҳамкорликда ташкилотда маънавий ишлар бўйича мутахассислар билан «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарорининг мазмун-моҳияти, ёшлар ҳаракатининг мақсад ва вазифалари хусусида ҳам семинар ўтказилди.

Ҳарбий округ ташаббуси билан Нукус гарнизони ҳарбий қисмларидан бирида очиқ эшиклар куни тадбири бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг олис ва яқин туманларидан экскурсияга келган 500 дан ортиқ ёш Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестри ижросидаги ҳарбийча куй ва кўшиқлар жўрлигида кутиб олинди.

Ҳарбий қисм саф майдонида қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар, «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув автомобиллари, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт техникалари, шунингдек, ракетамодел ва корд авиамоделлар кўргазмаси, аскарлар томонидан тайёрланган фахрий қоровул саф элементлари, аскарлар ётоқхонаси ва машғулот хоналарига саёҳат қорақалпоғистонлик ёшларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида меҳмонлар Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказида яратилган Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг ўтмиши ва бугунини акс эттирилган музейга саёҳат қилишди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати**



# Seminar

# МУТАХАССИСЛАР

## малакаси оширилди

Октябрь ойининг ўн тўққизинчи санасида «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши ва Мудофаа вазирлиги томонидан «Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасалари бошлиқларининг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича ўринбосарлари билан услубий семинар ўтказиш режаси» тасдиқланган эди.

Ушбу режага кўра, жорий йилнинг 24-28 октябрь кунлари республика бўйлаб ҳарбий қисмларда «Ватанпарвар» ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги кенгашлари тизимида ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси йўналишида фаолият юритаётган раҳбар ходимлар ва мутахассислар учун услубий семинарлар ўтказилди.

Бир ҳафта давом этган семинарларда ҳарбий округларнинг масъул офицерлари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими, «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатининг мақсади ва вазифалари тўғрисидаги муҳим маълумотлар билан ўртоқлашган бўлса, ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари ходимлари Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий

йўналишлари ва маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг вазифалари, ваколатлари ҳамда улар билан ишлаш тартиби бўйича маъруза қилдилар.

Кенг миқёсда ташкил этилган тадбирларда томонлар ватанпарвар, мард ва жасур ёшларни етиштириш ҳамда уларни ҳар томонлама етук ва комил шахс сифатида тарбиялаш борасида ўзаро тажриба алмашиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Услубий семинарлар қизғин савол-жавоблар билан ўтди.

**Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти матбуот хизмати**



# Harbiy hikmatlar

# БИЗ СИЗЛАРНИНГ ЭРТАЛАРИНГИЗ УЧУН БУГУНИМИЗНИ БЕРДИК

Амирларим ва аскарларимни мартабаю унвонлар, олтин-кумуш билан хушнуд этдим. Базмларда уларга (муносиб) ўрин бердим, шунинг учун жангларда жонларини фидо қилдилар. Дирҳам ва динолларни улардан аямадим. Уларнинг юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату машаққатларини ўзимга юкладим ва уларни тарбият этдим. Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим. Турон, Эрон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқи Араб, Ироқи Ажам, Мозандарон, Гилон, Ширвон, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Жета Дашти, Дашти Қипчоқ, Хоразм, Хўтан, Кобулистон, Бохтарзамин, Ҳиндистон мамлакатларига подшоҳ бўлиб, ҳукм сурдим.

**Амир ТЕМУР**

Бошқалар тарафиндан ҳуқуқининг топталмови, четларга маҳкум, мазлум бўлмаслик, чет миллатларга ўз товушини эшитдуриб, эшитмоққа мажбур этувга шубҳа йўқим, қўлингдаги қуролингга, аскарини кучингга қараб бўлур. Мамлакат идораси аскарсиз мумкин эмас. Идора ўз қўлимизга ўтқач, табиий, Ватанимизнинг душмандан муҳофазати ўз устимизга тушажак. Бунинг учун ўз аскаримиз бўлурга керак. Табиийки, мамлакат идораси бизнинг қўлда бўлиб аскарликни бошқалар қилмаяжак. Бу мумкин ҳам эмас. Шунинг учун агарда биз мустақил, қўлингдан қутулиб яшовни хоҳлар эканмиз, яқин истиқболимиздаги бахтли кунлар учун аскар бўлувимиз, Ватан муҳофазасига ҳозирланувимиз лозим. Лозимгина эмас алзамдир.

Аскарсиз миллат жонсиз гавда ҳукмидадир. Ўзининг ерлик халқидан аскарни бўлмаган бир юрт қўриқчисиз истеҳком кабилдир. Аскарлик миллатнинг ҳаёт-мамонт масаласини ҳал қилиш учун зўр рўллар ўйнайдурғон бир кучдир.

**Абдулла ҚОДИРИЙ**

Жангда худди темирдек, базмда мисли муммиз,  
Дўстга марҳаматли, ғанимга эса шуммиз.

**Жалолиддин МАНГУБЕРДИ**

Урушда асосий мақсад Ватан учун ўлиш эмас, бошқаларни Ватан учун ўлишга шай кучни шакллантиришдир.

Фақат битта тактик принцип мавжудки, уни ўзгартириш асло мумкин эмас. Бу – душманга жуда кам вақт ичида максимал даражада талафот етказиш ва ҳалокатга элтиш учун қўлдаги бор имкониятлардан тўғри фойдалана олиш.

**Генерал Жорж ПАТТОН**

Мен ўрганган энг муҳим нарса шундаки, аскарлар ўз раҳбарларининг нима қилаётганини кузатишади. Сиз уларга сабоқ беришингиз, ўргатишингиз ва абадий маъруза қилишингиз мумкин, аммо улар учун сиз намуна бўлиб қолаверасиз.

**Генерал Колин ПАВЕЛЛ**

Ўз бурчингизни бажаришда ҳам, шахсий ҳаётингизда ҳам аскарларингизга ўрнак бўлинг. Ҳеч қачон ўзингизни аяманг ва қўшинларингиз сизнинг чарчоқ ва синовларда енгилмаслигингизни кўрсин. Ҳар доим хушмуомала бўлинг. Овозингиз ҳаддан ташқари кескинлиги ёки қўполлигидан сақлангиз, бу одатда ўз камчиликларини яширишга интилган одамга хос одат.

**Германия фельдмаршали  
Эрвин РОММЕЛЬ**

Деярли ҳар бир эркак синовларга чидамли бўлади. Шунга қарамай, бирор кишининг кучини синамоқчи бўлсанг, унга амал бер.

**Абраҳам ЛИНКОЛЬН**

Жасорат бу – танишлардан воз кеча олиш кучи.

**Раймонд ЛИНДКУИСТ**

Ўйлашдан олдин гапирадиганлар ҳам бор.

**Лес КАРАКТЕРЕС**

Ҳар бир жангда ҳар икки томон ўзини мағлуб деб ҳисоблайдиган бир вақт келади. Кейин ким курашни давом эттирсин, ўша ғалаба қозонади.

**Генерал Юлисес ГРАНТ**

Бу энг яхши вақтми ёки энг ёмони – билмайман. Лекин ишонтириб айтаманки, бу сизда мавжуд бўлган ягона вақтдир.

**Арт БУХВАЛЬД**

Қўмондоннинг вазифаси қилич билан бўлгани каби, ақл билан ҳам ғалаба қозонишдир.

Энг катта душман сиз ўйламаган жойда бўлади.

**Юлий ЦЕЗАРЬ**

Биз кутган даражамизга кўтарилмаймиз, тайёргарлик даражамизга кўтариламиз.

**АРХИЛОКОС**

Курашда ким бўлсангиз ҳамини ўшасиз. Агар чемпион бўлишни истасангиз ҳамини чемпионлик фикрига эга бўлишингиз керак.

**Жерри ИГНАЛС**

Уруш хунук нарса, лекин энг хунук нарса эмас. Жанг қилишга арзимайди, деб ўйлайдиган, ватанпарварлик туйғуси чириган ва таназулгача учраган инсоннинг ҳолати ундан ҳам ёмонроқдир. У учун курашишга тайёр бўлган муқаддас, шахсий хавфсизлигидан муҳимроқ

нарса йўқ, бундай одамнинг, агар бошқаларнинг ҳаракати билан сақланмаса, озод бўлиш имконияти ҳам йўқ.

**Жон Стюарт МИЛЛЬ**

Мен ҳарбий формани ғурур билан кияман. Уни дунёда мен учун энг буюк бўлган халқнинг озод инсонлари яратгани учун.

**Капитан Карен  
Дорман КИММЕЛ**

Яхши аскар қандай фазилатларга эга? Эркинликка ва жасоратга. Эркинлик жанг қилишга мажбур қилади, жасорат эса қочишдан асрайди. Жасорат энг ибтидоий кунлардан инсоннинг биринчи эҳтиёжи бўлиб келган.

**Рогер НАЙ**

Шам бошқа шамни ёқиши билан ҳеч нарсани йўқотмайди.

**Эрин МАЖОРС**

Жангда аскардан нима талаб қилинади? Дастлабки, икки нуқта аскарнинг тарбиясини белгилайди, охириги учтаси унинг маълумотини: 1) шерикларини қутқариш учун фидойилик ёки ўзини-да қурбон қилишга тайёрлик ҳисси, жасурлик, хизмат билан боғлиқ ҳамма нарсада бошлиқнинг иродасига сўзсиз бўйсунуш; 2) уруш давридаги машаққатларга ақл билан ёндашиш ва кучларни тез тугатмасдан, бардош бериш қобилияти; 3) қурол билан моҳирона ҳаракат; 4) шериклар билан ҳамфикр бўлиш; 5) ерда дуч келган тўсиқларни енгиб ўтишда эпчиллик, хавфни кўра олиш, унга қарши ҳаракат қила олиш, тўсиқларни текшириш ва душман ҳужумидан сақлана олиш қобилиятлари.

**Михаил ДРАГОМИРОВ**

Агар биз жангчиларнинг ҳар биридан у озми-кўпми ҳарбий даҳо бўлишини талаб қилганимизда, қўшинларимиз жуда сийрак бўлар эди.

**Карл Фон КЛАУЗЕВИЦ**

Қанчалик ёмон бўлмасин, токи кучинг бор экан, ҳеч қачон умидсизликка тушма.

Бекорчилик барча ёмонликларнинг илдиридир. Айниқса, ҳарбийлар учун.

**Александр СУВОРОВ**

Ҳарбий таълимнинг олий ва пировард мақсади – душманни енгиллаштириш.

**Николай БУТОВСКИЙ**

Йўқотадиган нарсаси борлар ичида кўрқмас одамлар бўлмайди. Мамлакатни ҳимоя қилиш учун ҳарбий кучлар етарли бўлмайди, халқ ҳам бир ёқадан бош чиқариб ҳимоя қилган мамлакат енгилмасдир.

**Наполеон БОНОПАРТ**

Кучли бўлиш бу – қачонки йиқилганингда умрбодга йиқилмаганингни англаш.

**Лана Дель РЕЙ**

Уйга қайтганингда бизникиларга дегинки, биз сизларнинг эрталарингиз учун бугунимизни бердик.

**ЭПИТАФ битиктоши**



**Юлдуз ЎРМОНОВА**  
тайёрлади.

## # Taekvondo

Namanganda o'tkazilgan taekvondo WT bo'yicha yoshlar o'rtasidagi "Namangan open" uchinchi xalqaro turniri umumjamoahisobida vakillarimiz g'olibligi bilan yakunlandi. O'zbekiston terma jamoasi murabbiylari esa Meksikada bo'lib o'tadigan jahon chempionatida yurtimiz sport sharafini himoya qiladigan tarkibni ma'lum qildi. Ular safidan Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari ham o'rin oldi.

Dunyo sport muxlislari kabi yurtimiz sportsevarlari ham taekvondo WT bo'yicha navbatdagi jahon chempionati o'tkazilishini intiqib kutishdi. Zotan, 13–20-noyabr kunlari Meksikaning Gvadalaxara shahrida bo'lib o'tadigan bu galgi dunyo birinchiligi uch yillik tanaffusdan so'ng tashkil etilmoqda. Bahslar "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlariga yo'llanmalar taqsimlanishini belgilovchi reyting ochkolari uchun ham kechadi. Xususan, g'olibga 140 ochko taqdim qilinishi dunyo birinchiligiga bo'lgan qiziqishni yanada oshirmoqda. O'zbekiston terma jamoasi murabbiylari mazkur chempionatda ishtirok etadigan tarkibni ma'lum qildi. Undan MVSMning yetakhi taekvondochilari – Olimpiya chempioni, endilikda jahon reytingida 2-pog'onani egallab turgan Ulug'bek Rashitov, joriy yilgi Osiyo chempionlari

## UCH YILLIK TANAFFUSDAN SO'NG

Jasurbek Jaysunov va Nikita Rafalovich ham o'rin olgan. Bo'lg'usi dunyo birinchiligida yurtimizning jami 16 nafar erkak va ayol taekvondochisi qatnashadi.

Joriy yilning yoz faslida Janubiy Koreyada o'tkazilgan XXV Osiyo chempionatida terma jamoamiz a'zolari 4 ta oltin, bitta kumush va 2 ta bronza, jami 7 ta medalga sazovor bo'lgan, qo'lga kiritilgan 4 ta oltin medalning 3 tasiga MVSM vakillari erishgandi. Yurtimiz sport muxlislari Meksikada ham taekvondochilarimizdan qit'a chempionatidagi kabi yuqori mahorat namoyish etishini kutishmoqda.

Namangan shahridagi "Pahlavon" sport majmuasida besh kun davom etgan, mingdan ortiq yosh taekvondochilarni

tatamiga chorlagan "Namangan open" uchinchi xalqaro turniri esa bir qator yangi nomlarni kashf qilish asnosida mahoratli taekvondochilarni ham aniqlab berdi. Mazkur an'anaviy xalqaro turnirda yurtimiz vakillari qatori Eron, Pokiston, Qozog'iston, Qirg'iziston va Tojikistondan kelgan yosh sportchilar 30 ta vazn toifasida o'zaro kuch sinashishdi. Yoshlar o'rtasidagi bahslarda hamyurtlarimiz – Zafarbek Karimov, Omonjon Otajonov, Behruz Isayev, Otabek Turg'anbekov, Mavlton To'xtasinboyev, Diyorbek To'xliboyev, Azizbek Abduqodirov, qizlarimizdan – Dilbaroy Sobirova, Dilnoza Tangirova, Gulsanam Alijonova, Gulorom Azmetova, Diyora Imomaliyeva o'z vazn toifalarida g'oliblikka erishdi.

O'smirlar o'rtasidagi bahslarda mamlakatimiz vakillaridan – Ozodbek Mamadaliyev, Muhammadjon Adhamov, Kamronbek Mansurov, Nurlan Boyxo'jayev, Javohir Hidoyatov, Jaloliddin Mustafoulov, Gulshanoy Ismoilova, Diyora Ziyoyeva, Laylo Hasanova, Dilshoda Mirhaydarova, Shabbona Abduvaliyeva, Laylo Zayniddinova hamda Sabrina Pardayeva o'z vazn toifasida zafar qozondi.

Xalqaro turnir yakuniy natijalariga ko'ra, eng ko'p medal jamg'argan O'zbekiston terma jamoasi umumjamoahisobida g'olib chiqdi. Bu borada Qozog'iston ikkinchi, Tojikiston va Qirg'iziston mamlakatlari keyingi o'rinlarni egalladi.

## # Boks

## QIT'A MIQYOSIDA RING JANGLARI

Iordaniyaning Amman shahrida boks bo'yicha erkaklar va xotin-qizlar o'rtasida Osiyo chempionati bahslari boshlandi. Qozog'istonning Aksay shahrida o'tkazilgan o'smirlar o'rtasidagi "Do'stlik kubogi" xalqaro turnirida esa 6 nafar yosh bokschimiz qatnashdi va barchasi sovrindor bo'ldi.

Tarkibida Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) charm qo'lqop ustalari ham bo'lgan O'zbekiston terma jamoasi a'zolari shu kunlarda Iordaniyaning Amman shahrida o'tkazilayotgan boks bo'yicha Osiyo chempionati bahslarida qatnashmoqda. Ta'kidlash joiz, yana ikki yildan keyin Parijda o'tadigan yozgi Olimpiya o'yinlariga munosib tayyorgarlik ko'rishda ushbu qit'a birinchiligining ahamiyati beqiyos. Shu bois bokschilarimiz mazkur chempionatga puxta hozirlik ko'rishdi. Murakkab mashg'ulotlardan so'ng O'zbekiston terma jamoasi murabbiylari Osiyo chempionatida bir qator iqtidorli yoshlarga ham imkon berishga qaror qilishdi va 13 nafar bokschimiz bosh murabbiy To'liqin Qilichev yetakchiligida Amman shahriga yo'l oldi. Terma jamoa tarkibidan Olimpiya o'yinlari g'olibi Hasanboy Do'smatov (-51 kg), harbiylar o'rtasida jahon chempioni Lazizbek Mullajonov (+92 kg), dunyo birinchiligi sovrindori Madiyor Saidrahimov (-92 kg) qatori Asilbek Jalilov (-48 kg), Shahzod Muzaffarov (-54 kg), Adhamjon Muhiddinov (-60 kg), Ruslan Abdullayev (-63,5), Havasbek Asadullayev (-71 kg) kabi yoshlarimiz ham joy olgan. MVSMning mohir charm qo'lqop ustasi Lazizbek Mullajonov o'tgan yili Moskva



shahrida o'tkazilgan 58-jahon chempionati (SIZM) va Bolgariya poytaxtida bo'lib o'tgan an'anaviy "Strandja" xalqaro turnirida, ya'ni mutaxassislarning ta'biri bilan izohlaganda "kichik jahon chempionati"da, joriy yil esa Ruminiyaning Tirgu-Muresh shahridagi "Golden Belt" hamda Qozog'istonda ilk bor tashkil etilgan "Yelorda kubogi" xalqaro turnirlarida eng og'ir vazn toifasida barcha raqiblarini mag'lubiyatga uchratib, oltin medallarga sazovor bo'lgandi. U Amman shahri mezbonlik qilayotgan Osiyo chempionatidagi ilk jangini qur'aga ko'ra quvaytlik Ali Alqribga qarshi o'tkazadigan bo'ldi.

Iordaniyadagi ring janglarini -57 kg vaznli bokschimiz Abdumalik Xalakov boshlab berdi. U dastlabki bosqichda tailandlik

Suktet Saravutga qarama-qarshi keldi va 3:2 hisobida g'alabaga erishdi. -63,5 kg vazn toifali bokschimiz Ruslan Abdullayev esa yaponiyalik Shunsuke Kitamotoni 5:0 hisobida dog'da qoldirdi.

Boks bo'yicha kattalar o'rtasidagi Osiyo chempionati xotin-qizlar o'rtasida ham kechmoqda. Eslatib o'tamiz, joriy yil Turkiyaning Istanbul shahrida o'tkazilgan boks bo'yicha ayollar o'rtasidagi jahon chempionatida O'zbekiston terma jamoasi a'zolari ikkita bronza medalga sazovor bo'lgan, ulardan biriga Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakili Aziza Yoqubova (-50 kg) erishgandi. MVSM vakili Iordaniyaga yo'l olgan Elshod Rasulov bosh murabbiyligidagi O'zbekiston ayollar terma jamoasi tarkibidan ham joy

olgan. Amman shahrida yana quyidagi bokschi ayollarimiz ringga chiqishadi: Farzona Fozilova (-48 kg), Feruza Kazakova (-52 kg), Nigina O'ktamova (-54 kg), Sitora Turdibekova (-57 kg), Dilfuza Bekova (-60 kg), Xadichabonu Abdullayeva (-63 kg), Navbahor Hamidova (-66 kg), Mavluda Mavlonova (-70 kg) va Sohiba Ro'zmetova (-75 kg).

Osiyoning 40 ga yaqin mamlakati vakillari ishtirokidagi erkaklar va ayollar o'rtasidagi ring janglari 13-noyabrga qadar davom etadi. Qit'a chempionatida g'olib chiqqan bokschilar 1 200, kumush va bronza medal sohiblari 900 hamda 700 reyting ochkosiga ega bo'ladi. O'z navbatida, 5-o'rin (400 ochko), 7-o'rin (300 ochko), 1/16 final (150 ochko) va 1/32 final ishtirokchilariga (50 ochko) ham muayyan tartibdagi reyting ochkolari belgilangan.

Qozog'istonning Aksay shahrida esa 2007–2008 yillarda tug'ilgan o'smir bokschilar o'rtasida "Do'stlik kubogi" xalqaro turniri o'tkazildi. Ring janglari Rossiya, Qozog'iston, Tojikiston, Qirg'iziston va yurtimiz yosh charm qo'lqop ustalari o'rtasida kechdi. Qozog'istonga mamlakatimizning 6 nafar yosh bokschisi borgan edi va yakunda ularning barchasi sovrindorlar safidan joy oldi – vakillarimiz xalqaro turnirning 3 ta oltin va 3 ta bronza medaliga musharraf bo'ldi. Murosasiz va shiddatli kechgan janglar yakunida Shahboz Ergashev (-52 kg), Hikmatullo O'lmasov (-60 kg) va Akbar Ahmadov (-63 kg) oltin, Muhammadaziz Qo'ldoshaliyev (-50 kg), Ibrohim G'iyosov (-52 kg) va Murodilla Sunnatullayev (-54 kg) bronza medalni qo'lga kiritdi.


# Yuksak marra

Инсон умри давомида омад ва омадсизликка, адолат ва адолатсизликка, йўқчилик ва тўқчиликка, топиш ва йўқотишларга дуч келиши табиий.

Инсоннинг инсон бўлиб қолишида бундай ҳолатлардан мардонавор ўта вилиши одамийликнинг энг юқори чўққисидан дарак беради. Бугунги суҳбатдошимиз самимий ва доимий позитив кайфият эгаси лейтенант Дмитрий Шокин. Таэквондо WTF йўналиши бўйича икки карра Осиё, бир марта жаҳон чемпиони бўлган қаҳрамонимизнинг ҳаёт кечинмалари, албатта, сизларни ҳам вефарқ қолдирмайди.



# БИРИНЧИ ВА ЯГОНА ЧЕМПИОН



## СПОРТГА ИЛК ҚАДАМ

Спорт билан етти ёшимдан шуғулланишни бошлаганман. Ҳар бир ўғил болада бўлгани каби, жангари фильмлардаги якка кураш усталарининг ҳаракатлари мени сеҳрлаган. Ўзини ва оиласини душманлардан ҳимоя қилишга уринаётган фильм қаҳрамони қиёфасида ўзимни тасаввур қилардим. Тақдирни қарангки, ўзимни ҳимоя қилиш учун бошлаган машғулотларим чемпион бўлиш завқи билан давом этди. Ҳатто мени шуғуллантирадиган мураббийимнинг олдида Қорақамишдан Қўйликқача бўлган масофада қатнар эканман, чемпион бўлиш завқи қаршисида ҳеч нарса мени тўхтата олмаган. Фаслнинг ҳар қандай инжиқликларига қарамасдан ҳафтасига 3-4 маротаба спорт залига борардим. Бу даргоҳ иккинчи уйим эди. Асосий вақтимни тинимсиз ўз устимда ишлашга бағишлардим. Ҳаётини тажрибамда ҳеч нарса жавобсиз қолмаслигини англадим. Меҳр билан бажарилган ҳар қандай вазифанинг натижаси ижобий бўлиши тайин экан.

## ҲАВАСКОРЛИКДАН ПРОФЕССИОНАЛЛИККА

Ҳар қандай баландликка ҳам биринчи зинадан чиқиб борилганидек, катта спортга ҳам ҳаваскорликдан қадам ташланади. Мураббий мендаги спортга бўлган иштиёқни англаган ҳолда, машғулотларга

тўғри йўналтирганлиги оқибатида 2013 йил терма жамоа сафига қабул қилиндим. Профессинал спортчи бўлиш менга ғурур билан биргаликда жуда катта масъулиятни юклаган. Терма жамоа сафига юртинг шарафини ҳимоя қилишдек бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Аммо ортимда юртдошларим, ота-онам ва менга рағбат билдирганларнинг ишончини оқлай олмаслик кўркуви мени бир лаҳза бўлсин тарк этмайди. Мураббийим Фахриддин Умаровнинг кескин оҳангда «сен уддалайсан», деган мотивацияси мени яна жанговар ҳолатга қайтарарди. Шу тариқа аста-секин профессионал спортчи бўлиб шакллана бошладим.

## БИРИНЧИ БЎЛИШ БАХТИ

Бир қанча халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлганимдан кейин, 2014 йил юртимизда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритдим. Шундан сўнг 2015 йил Россиянинг Челябинск шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида тарихий ғалабани қўлга киритдим. Бу пайтгача таэквондо спорт турида юртимиз вакилларининг ҳеч бири жаҳон чемпионлигини қўлга киритмаган эди. Тарихий воқеанинг сабабчиси бўлиш, номингни тарихда қолишни ҳис қилишдек бахтни сўз билан таърифлашнинг имкони йўқ. Ўзим севган машғулоти ортидан тақдир менга шундай бахтни тўхфа этганди.

## АРМОН

2016 йил Бразилияда бўлиб ўтган Олимпиадага ҳам руҳан, ҳам жисмонан яхши спорт ҳолатида эдим. Рақибларни бирин-кетин ен-

гиб, ғолиблик сари яқинлашиб бораётганимда ўтказиб юборилган зарба оқибатида қўл суягим синди. Шунда ҳам жангни тўхтатмадим. Мен олтин медаль учун олимпиадага борган эдим. Аммо олган жароҳатим туфайли мусобақани 5-ўрин билан якунладим. Жуда тушкун кайфиятда қолдим. Ҳатто спорт билан хайрлашиш даражасига келдим. Яқинларим ва мураббийим кўмагида тушкун кайфиятдан чиқа олдим. Аслида мен учун армонга айланган бундай нуфузли мусобақа яхши хотира сифатида қолмади.

## ҲАТО ВА КАМЧИЛИК

Ёшлигимда нимадир сабаб бўлиб, бир ой машғулотларда қатнаша олмаганман. Кейин шуғулланишни бошлаганимда эса шпагатим очилмаган. Аламлиси шундаки, бор нарса йўқ бўлиб қолганди. Узоқ муддат ҳаракат қилдим. Аммо натижа бўлмади. Ўнг ёки чап томонга очилади, лекин тўғрига очиш имконсиз. Таэквондо икки оёқда ҳам баробар ишлашни талаб этадиган спорт тури ҳисобланади. Менда эса асосан чап оёқ кўпроқ ишлайди. Агар рақибим ҳолатини ўзгартирса, менга ноқулайлик туғдиради. Чунки ўнг оёқда ишлашим қийинроқ. Бунинг асл сабаби, боя айтганимдек, «шпагат»нинг тўлиқ очилмаслиги. Рақибларим учун асосий камчилигим ана шунда.

## МУРАББИЙЛИККА ҚАДАМ

Мураббийликка қўл урмасимдан олдин унинг машаққатини ҳис қилмаган эдим. Спортчи сифатида устоз қўйган талабни бажарасан – тамом. Аммо мураббий бўлиб, ҳар бир спортчи билан индивидуал ишлаш анча қийин экан. Унинг руҳий ҳолати, жисмоний имконияти, ақлий салоҳияти каби омилларни ҳисобга олган ҳолда юкларни бериб бориш керак. Тўғри, миллий терма жамоага ёрдамчи мураббий сифатида фаолият юритишимни сўрашган. Аммо ҳар бир

спортчи билан ўзи тарбиялаган устози шуғулланади. Шундай бўлгани ҳам тўғри. Сабаби ёшлигидан битта мураббийнинг қўл остида тарбияланган спортчини ўша мураббийдек яхши биладиган инсон бўлмайди. Худди шундай ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда мен ҳам мураббийликни энг қуйи поғонадан бошладим. Насиб этса, орадан 5-10 йил вақт ўтиб, терма жамоага шогирдларим билан бораман. Менга армон бўлган чўққиларни ўқувчиларим билан забт этаман.

## ҲАРБИЙ СПОРТЧИ

Таэквондо бўйича юртим шарафини халқаро майдонларда ҳимоя қилар эканман, юқорида айтганимдек, доим ҳаяжон бўлади. Эгнимдаги ҳарбий либос эса икки карра масъулият юклайди. Спортчи сифатида ҳам, ҳарбий хизматчи сифатида ҳам мақсадим битта – юртим шаънини ҳимоя қилиш!

## ҲАЙРАТ

Мен билан кўпинча қизиқарли воқеалар ўзбек тилида равон гапира олишим ортидан бўлган. Менинг исмим ва кўринишимга қараб, ҳаттоки ўзбек миллатига мансуб бўлганлар ҳам рус тилида гапиришган. Аммо мен уларга ўз тилингизда бемалол гапиришингиз мумкин, мен бу тилни жуда яхши тушунаман ва гапира оламан деганимдан кейин уларда ҳайратланиш пайдо бўлган. Ватаним Ўзбекистон, маҳаллада униб-ўсдим, дўстларим ҳам аксарияти ўзбек. Ҳаттоки, мен сураётган хаёллар ҳам ўзбек тилида...

Шерзод ШАРИПОВ,  
«Vatanparvar»

## # Harbiy texnika

## ЯНГИ ЗИРХ

Франциянинг «Рено трак дефенс» компанияси мутахассислари томонидан яратилган «Ультима» типидagi зирхланган жанговар машина (ғилдираклар формуласи 4 x 4) VAB сериясидаги машиналарнинг модернизацияланган варианты ҳисобланади.

Мазкур машина янги илма зирх комплекти билан жиҳозланган бўлиб, у экипаж аъзолари ва десант бўлмасидаги аскарларни қўлбола портловчи моддалар ва миналардан қўшимча ҳимоялашни таъминлайди. Десант бўлмасининг устки (юқори) қисми ҳам кучайтирилган, бўлманинг ўзи эса махсус мосламаларга илинган (полга қотирилмаган) ўриндиқлар билан жиҳозланган. Шунингдек, машинага маҳаллий «Сажем» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган «Сител» типидagi янги алоқа тизими ҳамда «Фелин» деб номланган пиёдалар жанговар комплекси таркибидаги электрон жиҳозларни қувватлантириш учун мўлжалланган махсус мослама ўрнатилган. «Ультима»га Норвегиянинг «Конгсберг» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган «Протектор» типидagi масофадан бошқарилувчи жанговар модуль ўрнатилган бўлиб, унинг таркибига 12,7 мм.ли пулемёт ёки 40 мм.ли автоматик

## КОМПЛЕКТИГА

## ЭГА



гранатомёт киритилади. Бундан ташқари, машинанинг орқа томондаги юқори қисмига «Миними» типидagi 5,56 мм.ли пулемётга эга бўлган айланма модуль жойлаштирилган. Машина экипажи икки кишидан иборат, десант бўлмасига 8 нафар пиёда аскар жойлашиши мумкин. «Ультима»нинг жанговар оғирлиги 15,8 тонна, фойдали юкланма оғирлиги 1,8 тонна, шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 90 км.ни ташкил этади.

## ВЕРТОЛЁТ

Вертолёт боевого обеспечения MRH-90 «Тайпан» состоит на вооружении сухопутных войск и военно-морских сил Австралии (европейское обозначение NH-90). Машина разработана специалистами европейского консорциума «НАТО хеликоптериндастриз». В состав силовой установки входят два турбовальных двигателя «Роллс-Ройс»/«Турбомека» типа RTM322-01/9 мощностью по 2 230 лошадиных сил. Основные тактико-технические характеристики вертолета: длина 19,6 м (с винтами), высота 5,3 м, длина фюзеляжа 13,5 м, наибольшая ширина фюзеляжа 2,6 м, полезный объем грузовой кабины 18 м<sup>3</sup>, диаметр несущего винта 16,3 м, рулевого – 3,2 м. Максимальная взлетная масса 10 600 кг, масса пустого 6 400 кг, масса топлива 2 036 кг, максимальная скорость полета 291 км/ч, практическая дальность 907 км, перегоночная дальность 1 213 км, статический

## БОЕВОГО

## ОБЕСПЕЧЕНИЯ



потолок с учетом влияния земли 3 140 м, продолжительность полета 4 часа 45 минут. Полезная нагрузка: до 20 военнослужащих, или 12 носилочных раненых, или 2 500 кг груза в кабине. MRH-90 «Тайпан» может нести различное вооружение, в том числе неуправляемые авиационные ракеты, подвесные контейнеры с пушками или пулеметами. Экипаж вертолета состоит из четырех человек – командир, второй пилот и два оператора погрузочного оборудования.

## ПУЛЬТ ЁРДАМИДА

«Милош» деб номланган гусеница зирхланган масофадан бошқарилувчи машина Сербия ҳарбий техника институти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Машина айланма ҳаракатланувчи қурол модули билан жиҳозланган бўлиб, унинг таркибидан М86 типидagi 7,62 мм.ли пулемёт (жанговар комплекти 500 та патрон) ва 40 мм.ли автоматик гранатомёт жой олган. Шунингдек, танка қарши бошқарилувчи ракеталар учун мўлжалланган ишга тушириш қурилмасини қўллаш учун техник имкониятлар ҳам кўзда тутилган. 30 карра катталаштирувчи кундузги видеокамера, тўрт карра катталаштирувчи рақамли тепловизион камера ҳамда ўлчаш масофаси 2 км.ни ташкил этувчи лазерли масофа ўлчигичдан ташкил топган оптик-электрон тизим жанг майдонида 1 000 метргача бўлган масофадаги нишонларни аниқлаш имконини таъминлайди. Пулемётлардан самарали отиш масофаси 800 метр, гранатомётдан эса 400 метрни ташкил этади. Мазкур машинани бошқариш бир нафар ҳарбий хизматчи томонидан 2 км.гача бўлган масо-

## БОШҚАРИЛАДИ

фадан пулт ёрдамида радио-канал орқали амалга оширилади. Кучланиш қурилмасининг автоном (мустақил) ишлаш вақти 8 соатгача. «Милош»нинг жанговар оғирлиги 620 кг, узунлиги 1,7 метр, эни 0,8 метр, баландлиги 0,9 метр, максимал ҳаракатланиш тезлиги жой рельефига боғлиқ равишда соатига 7 км.гача. Аппарат тегишли вазифаларни бажариш жойига тактик ҳарбий автомобилларда етказилиши мумкин.



## РАЗРАБОТКА СОВМЕСТНОГО

Плавающий бронетранспортер ZANA (Zirrhli Amfibi Hucum Aroci – бронированная десантная амфибийная машина) разработана специалистами компании «FNSS Савунма системлари» (совместное предприятие, основанное турецким холдингом «Нурол» и британской корпорацией «БАЭсистемз»). Новая машина выполнена на базе аналогичных боевых машин морской пехоты ВМС США серии AAV. Конструкция кузова и водометные движители обеспечивают ZANA максимальную скорость движения на море 7 узлов и 70 км/ч на суше. Заявленная мореходность до 2 баллов с возможностью увеличения до 4-х при установке дополнительного оборудования. На машину установлен дистанционно управляемый модуль вооружения с 12,7-ммпулеметом и 40-мм автоматическим гранатометом. Боевая масса бронетранспортера не более 30 тонн. Экипаж три человека, десант – 21 морской пехотинец. Бронекорпус выполнен из алюминево-магниевого сплава и усилен керамическими бронепанелями турецкого производства, обеспечивающими защиту от бронебойных пуль калибра до 14,5 мм. Машина приводится в движение 12,5-литровым дизельным

## ПРЕДПРИЯТИЯ



двигателем С13 фирмы «Катерпиллер» мощностью 600 л.с., совмещенным с автоматической трансмиссией компании «Аллисон». На машине предусмотрено применение боевой системы управления огнем разработки турецкой компании «Аселсан», включающей в том числе оптико-электронные средства ситуационной осведомленности экипажа и десанта круглосуточно в любых погодных условиях.

# Suhbat

Миср пойтахти Кохира шаҳрида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси кумуш медални қўлга киритган эди.

Улар орасида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази тарбияланувчиси Илҳомбек Обиджонови ҳам борлиги қувонарлидир. Биз Илҳомбек Обиджонов ва унинг мураббийи, истеъфодаги майор Энвер Османов билан савфари тафсилотлари ҳақида суҳбатлашдик.

– Жаҳон чемпионатида иштирок этганлигимнинг ўзи катта бахт. Қолаверса, 88 давлатдан мингдан ортиқ спортчилар қатнашган чемпионатда дўстларим Мухаммад Камолов ва Вениамин Никитинлар билан биргаликда кумуш медални қўлга киритганимиздан беҳад шодимиз, – дейди Илҳомбек Обиджонов. – Ҳиндистон давлати вакилларига имкониятни бой бериб қўйганимиз 2-ўринга тушиб қолишимизга сабаб бўлди. Энг етакчи ҳисоб-

ҚАЛБ СОКИН БУЛСА,

ЎҚ НИШОНГА ТЕГАДИ



ланган Хитой давлати вакиллари ортида қолдирдик. Кейинги жаҳон чемпионатида иштирок этиш имкониятимиз бор ва ундан унумли фойдаланган ҳолда юртимиз байроғини баланд кўтаришга бор куч-ғайратим билан ҳаракат қиламан.

Пневматик қуролдан ўқ отиш спортига мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Чилонзор тумани бўлимида меҳрим тушган. У ерда малакали устозлар кўмағида бу спортнинг ўзига хос сир-асрорларини ўргандим. Кейинчалик Мудофаа вазирлиги спорт марказида мураббийим Энвер Османовдан қолган кўникмаларни олдим. Спортга қадам қўйган кунимдан то ҳозиргача менга устозлик қилган барча инсонларга раҳмат айтмоқчиман. Ҳозирги кунда Чирчиқ давлат университетининг биринчи босқичида ўқийман. Келажакда ҳарбий спортчи бўлиб, Ватаним равнақи йўлида ўз ҳиссамни қўшишни ниятидаман.

– Спортнинг айрим турлари каби ўқ отиш ҳам қалби сокин инсонлар учун. Шундай экан, биз ёшларни саралаб олаётганимизда айнан шу сифатига алоҳида эътибор берамиз. Диққатни жамлаш, нишонга аниқ олиш, нафасни ушлаб туриш каби ҳолатларни бажариш спортчидан ички хотиржамликни талаб



этади. Илҳомбекда мана шу сифатларнинг барчаси мужассам, – дейди мураббий Энвер Османов. – Демакки, у билан машғулотлар тўғри йўлга қўйилса, бундан юқори натижаларни забт этиши аниқ. Аслида бу спорт тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси учун жаҳон чемпионатида қўлга киритилган илк медал сифатида қайд этилди. Бу натижа билан чекланиб қолмаймиз, албатта. Яққалик баҳсларида ҳам юқори ўринларни эгаллаш учун бизда барча имкониятлар етарли.

Шерзод ШАРИПОВ,  
«Vatanparvar»



# Huquqiy profilaktika

ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК –

ЖАМИЯТНИ ЕМИРУВЧИ ИЛЛАТ

Термиз давлат университетидида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари иштирокида «Талаба-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши кураш, наркотик ва психотроп моддаларнинг салбий оқибатлари» мавзусида, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ҳақида кенгроқ маълумот бериш мақсадида профилактик тадбир ташкил этилди.

Тадбирда, Термиз давлат университети ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор О. Шофиев, Вилюят ИИБ Тергов бошқармаси бўлими бошлиғи подполковник Н. Муродов, Термиз шаҳри йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими бошлиғи майор И. Ботиров, факультет деканлари, тьюторлар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирни Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор, филология



фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Обиджон Шофиев кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг аксарияти, келажакимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънан етук бўлиб камол топишлари учун барча шароитлар яратиб берилаётганини таъкидлаб, бунга жавобан эса берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиши ва тўқис билим олишлари учун турли хил салбий иллатларга қарши иммунитетини

мустаҳкамлаб, ўз мақсадлари йўлида бардавом кетишлари зарурлигини қайд этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, сўнгги вақтларда вилоят ҳудудида ёшлар томонидан содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида сўз юритиб, ёшлар орасида худди шундай турли ёт ғояларга тушиб қолмасликларни борасида тушунтириш ишлари олиб бордилар. Шунингдек, тала-

ба-ёшлар ўртасида тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш, ҳар бир фуқаро онгида «Мен ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга масъулман», деган туйғуни шакллантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг талаба-ёшлар эътиборига «Жаҳолатга қарши маърифат» видеоролиги намойиш этилди.

Жамшид НАЗАРОВ,  
Термиз давлат университети ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий бўлими ходими

## # Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotlarida

EZGU AMALLAR  
IFODASI

Yoshlar qalbida ona Vatanga sadoqat, harbiy-vatanparvarlik tuyg'ularini kamol toptirishda O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Xorazm viloyati kengashi tasarrufidagi Xonqa tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi tomonidan ham bir qator ishlar amalga oshirilmoqda.



– Jumladan, yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ularni har tomonlama barkamol etib tarbiyalash kabi ezgu amallar tashkilotimiz faoliyatida ham o'z ifodasini topmoqda, – deydi O'STK boshlig'i Qamarbek Bekmetov. – Bu borada tashkilotimiz tumandagi bir qancha davlat va jamoat tashkilotlari bilan amaliy hamkorlikni yo'lga qo'ygan. Biz belgilangan reja asosida ma'naviy-ma'rifiy va sport tadbirlarini muntazam ravishda tashkil etmoqdamiz. Maqsadimiz yoshlarni barkamol shaxs sifatida tarbiyalashdir.

Bundan tashqari, sportning texnik va amaliy turlarini aholi, ayniqsa, yoshlar o'rtasida rivojlantirish borasida ham bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, tumanimiz yoshlari viloyat va respublika miqyosidagi musobaqalarda ishtirok etib, sovrinli o'rinlarni qo'lga kiritib kelmoqda. Ayni paytda yoshlarimiz sportning texnik va amaliy turlaridan "Havo miltig'idan o'q otish", "Radiosport" va "Yozgi biatlon" kabi muhim turlari bilan shug'ullanmoqda.

Ayni paytda tashkilotda haydovchilar tayyorlash borasida ham ko'pgina ishlar qilinmoqda. "B", "BC", "BE", "CE" toifali haydovchilar tayyorlash uchun klub yetarli o'quv-moddiy bazaga ega. Barcha kerakli qurilmalar hamda transport vositalari bilan ta'minlangan. O'z navbatida, bunday imkoniyatlar esa bo'lajak haydovchilar malakasini oshirishda har tomonlama qo'l kelmoqda.

OTA O'GITIGA  
AMAL QILIB ...

Ko'pchilikka sidqidildan xizmat qilgan, odamlarga yaxshi muomalada bo'lgan kishilar doimo hurmat-e'tiborimizda. O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Qoraqalpog'iston Respublikasi kengashi tasarrufidagi Beruniy tumani o'quv sport-texnika klubi amaliy boshqarishni o'rgatuvchi-usta vazifasida mehnat qilib kelayotgan Ibragim Ametov haqida ham doimo iliq so'zlarni aytishadi.



Allomalardan biri har qanday inson esini tanigandan boshlab orzular qanotida yashaydi, degan ekan. U ana shu ezgu maqsad yo'lida har qanday mashaqqatlarni yengadi, o'zida insoniy fazilatlarni mujassam etadi. Bu borada, ayniqsa, yoshlarga ta'lim berishni istaganlarga ham juda katta talablar qo'yiladi.

Ota-onasining oq fohasini olgan lavhamiz qahramoni 1979-yili harbiy xizmatni o'tab qaytgach, o'z faoliyatini dastlab Beruniy shahridagi 49-sonli o'rta maxsus bilim yurtida o'rgatuvchi usta vazifasidan boshladi. U bilim yurti rahbariyatining topshiriqlarini to'liq va ko'ngildagidek bajarishga intildi, o'quvchilarning malakali mutaxassislar bo'lib yetishishlari uchun bor kuch-g'ayrati va shijoatini ishga soldi.

Bugungi kunda Beruniy tumani "Vatanparvar" tashkilotida o'rgatuvchi-usta vazifasida mehnat qilayotgan qahramonimiz ota o'gitiga, ustozlari maslahatlariga amal qilib, kam bo'lmadi. Uni ayrimlardan ajratib turadigan xislat, bu – xushmuomalalik. U nafaqat tinglovchilarni, balki har qanday insonni doimo ochiq chehra bilan kutib oladi.

– Malakali haydovchilar tayyorlash, yoshlarga munosib bilim berish kabi amallar kundalik yumushingga aylangandagina ishingda unum bo'ladi, – deydi I. Ametov.

"Umr o'tar, vaqt o'tar", deganlaridek, hayot charxpalagi tinmay aylanib, yosh yigitga endi usta Ibragim deb murojaat qilishadi. Beruniy tumani yo'llarida avtomobil boshqarayotgan haydovchilarning ko'pchiligi uning shogirdlari. Katta yo'lga piyoda chiqsa, zum o'tmay biron-bir transport haydovchisi uni, albatta, tanib qoladi va mashinaga taklif etadi.

Biz ham fursatdan foydalanib, el orasida o'zining fidokorona mehnati, xayrli ishlari bilan obro'-e'tibor topayotgan Ibragim og'aning qutlug' 60 yoshlik yubileyi bilan Beruniy tumani "Navoiy" ovul fuqarolar yig'inida istiqomat qilayotgan uning oila a'zolarini muborakbod etamiz.

Tinib-tinchimas avtomobilchi Ibragim Ametovga kelgusi faoliyatida muvaffaqiyatlar tilaymiz. Omad sizga doim yor bo'lsin, Ibragim og'a!

Suratda: (o'rtada) Ibragim Ametov, tashkilot faollaridan Erkinoy Urazimbetova hamda Ozodboy Ahmedov bilan.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarga munosib hissa qo'shib kelayotgan O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Xorazm viloyati kengashi tasarrufidagi Yangibozor tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi ham amaldagi qonunchilik hamda tasdiqlangan nizom asosida yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish kabi muhim vazifalarni amalga oshirib kelmoqda.

Ayni paytda ko'plab boshlang'ich tashkilotlar va a'zolarini o'zida birlashtirib, faoliyat olib borayotgan tashkilotda yoshlarga biror-bir kasb-hunar o'rgatish, ularning ma'naviy barkamol, yetuk mutaxassis bo'lishlari ta'minlanayapti. Ayniqsa, bu ishlar ko'lamini "Vatanparvar" tashkiloti tashkil etilganligining 31 yilligi oldidan yanada katta ahamiyat kasb etmoqda. Muhim sana munosabati bilan o'quv sport-texnika klubi xodimlari mahallalarda, o'quv muassasalarida, maktabgacha ta'lim va ko'plab jamoat tashkilotlarida harbiy-vatanparvarlik targ'ibotini faol olib bormoqda. Klub xodimlarining sa'y-harakatlari bilan harbiy qismlarga yoshlarning tashriflari uyushtirilmoqda.

– Harbiy xizmatchilar hayotidan hikoya qiluvchi lavhalar yoshlarning ma'naviy dunyoqarashini shakllantirishga, ona Vatanga sadoqatli hamda fidoyi insonlar bo'lib yetishishiga keng imkoniyatlar yaratmoqda, – deydi O'STK boshlig'i Bobojon Hasanov. – Shu bois tuman mudofaa ishlari, xalq ta'limi bo'limlari, Yoshlar ishlari

agentligi va boshqa ko'plab tashkilotlar bilan hamkorlikda harbiy xizmatga chaqirish, kadrlar tayyorlash borasida amalga oshirilishi lozim bo'lgan chora-tadbirlar belgilangan reja asosida o'tkazilmoqda.

Shu o'rinda ta'kidlash joizki, klubda so'nggi yillarda yoshlar o'rtasida sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirishga ham alohida e'tibor qaratilmoqda. "Havo miltig'idan o'q otish", "Yozgi biatlon" hamda "Duatlon" kabi sport seksiyalarida ellik nafarga yaqin yosh muntazam ravishda shug'ullanmoqda. O'z navbatida, klub

a'zolari ushbu sport to'garaklari bo'yicha yaxshi natijalarni egallab kelmoqda.

Bundan tashqari, joriy yilning o'tgan oylari mobaynida tashkilotda malakali haydovchilar tayyorlash borasida ham birmuncha xayrli tadbirlar amalga oshirildi. Xususan, tuman o'quv sport-texnika klubi jamoasi yaqinda o'zining zamonaviy o'quv-mashq avtodromiga ega bo'ldi. Endilikda bo'lajak haydovchilar barcha qulayliklarni o'zida mujassam etgan zamonaviy avtodromda amaliy mashg'ulotlarni bajarish imkoniyatiga ega bo'ldi. Bu esa, o'z navbatida, birinchidan,

xodimlarga belgilangan vazifalarni tez va sifatli bajarish imkonini berayotgan bo'lsa, ikkinchidan, avtomobil boshqarishni puxta egallagan, yo'l harakati qoidalarini yaxshi o'zlashtirgan malakali haydovchilar tayyorlash imkoniyatini ham yaratdi. Endilikda zamonaviy talablar asosida barpo etilgan avtodromdan nafaqat yangibozorliklar, balki qo'shni tumanlarda faoliyat olib borayotgan "Vatanparvar" tashkilotlari tinglovchilari ham foydalanishlari mumkin.

TINGLOVCHILAR  
UCHUN  
QULAYLIK

# BOLAJOJON

## MAQSAD SARI

(hikoya)



Jahongir sportning boks turiga qiziqadi. Bir kuni u maktabdan kelib, bu haqda otasi Madamin akaga aytdi:

– Dadajon, men boksga qiziqaman. Ruhsat bersangiz mashg'ulotga qatnab, bokschi bo'lmoqchiman.

– Bu nima deganing, boksdan naf yo'q. Sen biznesmen bo'lasan, boksni unut! – qarorini bildirdi Madamin aka.

Otasining qaroridan ranjigan Jahongir maqsadidan osonlikcha voz kechishni istamadi. Dadasidan berkitib, shug'ullanishni boshladi. Bir kuni otasi uni xonasida mashq qilayotganini ko'rib qoldi.

– Sport bilan shug'ullanishing yaxshi. Lekin bu narsaga chalg'ishing menga yoqmayapti. Sen matematika bilan ingliz tili to'garagiga qatnashishni boshla.

– Ammo dadajon, men bu fanlarga qiziqmayman-da.

– Men bitta gapiraman...

Jahongir to'garaklarga qatnashishni boshladi. Bo'sh vaqtlarida esa imkon topib otasining ko'zidan panada, ya'ni tashqarida boks bilan shug'ullanishni

davom ettirdi. Kunlarning birida uning shug'ullanayotganini bir kishi ko'rib qoldi.

– Hoy, bolakay, boksga qiziqasanmi? – so'radi u.

– Ha, juda qiziqaman.

– Unda nega boks to'garagiga bormaysan?

– Dadam istamayapti, qarshilik qilyapti.

– Shunday degin, – o'ylanib qoldi begona kishi. – Men boks ustoziman, istasang, bo'sh paytlaringda sen bilan shug'ullanaman.

– Albatta, borgan bo'lardim, faqat... mashg'ulotga beradigan pulim yo'q-da. Dadamga aytolmayman.

– Menga puling kerak emas. Senda porloq kelajak ko'ryapman.

Ko'pni ko'rgan boks murabbiysi ishonch bilan aytgan gaplaridan Jahongir quvonib ketdi.

– Rahmat, katta rahmat, sizga.


– Rahmatni muvaffaqiyatlarga erishganingdan keyin aytasan, – yigitchaning yelkasiga qoqib qo'ydi u.

Jahongir shu kundan boshlab, ustoz boshchiligida boks bilan astoydil shug'ullandi. Ko'p o'tmay, musobaqalarda qatnasha boshladi. Dastlab tuman bosqichi, keyin viloyat va respublika musobaqalarida birinchilikni qo'lga kiritdi. U bu haqda otasiga aytishga qaror qildi va barcha voqeani Madamin akaga gapirib berdi.

– Meni kechir, o'g'lim, – o'g'lining boksga erishgan zafarlarini eshitib, hayratini yashirmadi u. – Men senga to'sqinlik qilib, xato qilgan ekanman.

– Dadajon, kechirim so'rashingizning hojati yo'q. Aksincha, men sizdan minnatdorman. O'shanda qarshilik qilmaganingizda ustozimni uchratmagan bo'lardim.

Shu damdan boshlab otasi Jahongirni qo'llab-quvvatlay boshladi. Bundan ruhlangan yigitcha ko'plab bellashuvlarda yuqori



o'rinlarga, sovrinlarga erishdi. Ko'p o'tmay, jahon chempionatida g'oliblikni qo'lga kiritib, chempion bo'ldi...

Tilla-Qori MIRJALILOV,  
Mirzo Ulug'bek tumani,  
241-umumta'lim maktabining  
5-sinf o'quvchisi



## LABIRINT



# Diqqat, tanlov!

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 31 йиллигига бағишланади

# «ВАТАН БИЛАН УЛҒАЯР ШОН-ШАВКАТИМИЗ»

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Vatanparvar» газетаси ва «O'zbekiston armiyasi» журнали ўқувчилари, ҳарбий хизматчилар, журналист ва ижодкорлар ўртасида миллий армиямиз

қўшинларининг ҳарбий қудрати, жанговар сафларда хизмат қилаётган Ватан ҳимоячиларининг фидойилиги, жасорати ва қаҳрамонликлари, улғу аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни кенг тарғиб қилиш, хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонларча

ҳалок бўлган йигитлар хотирасини абадийлаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг юксак маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик сифатларини ошириш, Ватан тақдири ва мустақиллиги учун масъулият ҳиссини, фуқаролик позициясини кучайтириш, улар қалбида Ватанга

муҳаббат, Қуролли Кучлардан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга чуқур ҳурмат туйғуларини камол топтириш мақсадида «Ватанпарвар» бирлашган таҳририяти «Ватан билан улғаяр шон-шавкатимиз» деб номланган публицистик мақолалар танловини эълон қилади.

### ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар 2022 йилнинг 28 октябридан 2022 йилнинг 24 декабригача (*Word шаклида*) «Vatanparvar» Бирлашган таҳририятига йўлланиши лозим.



### Манзил:

100164, Тошкент,  
Университет кўчаси, 1-уй.



### Электрон манзил:

vatanparvar-bt@umail.uz ёки



телеграм манзили

(90) 968-62-08

### Қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф паспорти (*шахсини тасдиқловчи ҳужжат*) нусхаси;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари;
- муаллифнинг хизмат (*иш*) жойи.



### Мурожаат учун телефонлар:

(71) 260-36-50, 260-32-57

Энг сара ижодий ишлар «Vatanparvar» газетаси саҳифаларида «Ватан билан улғаяр шон-шавкатимиз» танлови рукни остида чоп этилади.

### ҒОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ

Танлов ғолиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

- 1-ўрин (1 та) – базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (*йигирма*) баробари, диплом;
- 2-ўрин (2 та) – базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (*ўн беш*) баробари, диплом;
- 3-ўрин (3 та) – базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (*ўн*) баробари, диплом;
- рағбатлантирувчи мукофотлар (4 та) – базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 (*олти*) баробари, диплом.

Танлов натижалари «Vatanparvar» газетаси ва сайтида ҳамда mudofaa.uz сайтининг телеграм каналида эълон қилинади.

Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар 2023 йил Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида тантанали равишда топширилади.

ТАҲРИРИЯТ

# OBUNA – 2023

«Vatanparvar» gazetasi nashr ko'rsatkichi – 114

«O'zbekiston armiyasi» jurnali nashr ko'rsatkichi – 1 273

– Men  
«Vatanparvar»ni  
tanladim.

Siz-chi?

@Vatanparvargazetasi\_bot  
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati  
bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING  
ELEKTRON SHAKLI

VATANPARVAR

### MUASSIS



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MUDOFAA  
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

### Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev  
polkovnik Otabek Yuldashev  
polkovnik Alisher Boboxonov  
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar  
taqriz qilinmaydi va mualliflarga  
qaytarilmaydi.

Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy  
kommunikatsiyalar departamenti  
– “Vatanparvar” birlashgan  
tahririyatining kompyuter markazida  
sahifalandi.

### Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

### ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot  
va axborot agentligida 2008-yil  
6-iyunda 0535 raqami bilan  
ro'yxatga olingan.

### Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50  
buxgalteriya: 71 260-35-20  
yuridik bo'lim: 71 260-29-41  
faks: 71 260-32-29

### Navbatchi: katta leytenant Bobur Elmurodov

Sahifalovchi: Nodirabegim Valiyeva  
Musahhih: Zebo Sariyeva

Buyurtma: Г-1105

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 29 559 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani  
rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan  
farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.

Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq  
boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.

Bahosi: kelishilgan narxda.

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik  
kompaniyasida chop etildi.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:

100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.

t.me/mv\_vatanparvar\_uz  
t.me/mudofaavazirligi

www.mv-vatanparvar.uz  
www.mudofaa.uz

mudofaavazirligi

mudofaavazirligi

www.youtube.com/c/UzArmiya